Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 108 (20. 675) • 1990 йил 11 май, жума • Баҳоси 3 тийин.

● Хўжалик ҳисобида ишлаётган меҳнат аҳли ҳақида ҳикоя

● Шахсий масъулият ҳисси ортмоқда

● Ўзбекистон —Туркманистон: иқтисодий ҳамкорлик

● Ер ости қасри бунёдкорларининг сўзи қатъий

XII БЕШ ЙИЛЛИК

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ҲАЁТ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ШАХСИЙ ХЎЖАЛИГИДАГИ МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ЕМ-ХАШАК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда аҳоли шахсий хўжаликларининг муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун уларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайман:

1. 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш планини бажаришда улар аҳолига сотадиган хашак ва ширали ем-хашак ҳисобга олинсин.

Ўзбекистон ССР Давлат кооператив-қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда ҳар бир шартли бош мол ҳисобига 250 килограмм хашак ва 150 килограмм ширали ем-хашак, 1991 йилда 550 килограмм хашак ва 300 килограмм ширали ем-хашак сотишини таъминласинлар. Ҳар йилги планларда аҳолига ем-хашак сотиш ана шу нормаларга нисбатан кўпайтирилиши кўзда тутилсин.

2. 1990 йилда аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ҳар бир шартли бош молга ўрта ҳисобда (ҳар бир сигирга) камида 150 килограмм омихта ем, 30 килограмм шулха, 50 килограмм кунжара ва шрот, 1991 йилда 160 килограмм омихта ем, 60 килограмм шулха ҳамда 50 килограмм кунжара ва шрот ажратилсин. Келгуси йилларда ана шу нормаларни кескин ошириш имконияти қидириб топилсин.

3. Ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Совети ҳузурида халқ депутатлари ва фаоллардан иборат комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг зиммасига давлат ресурсларидан бериладиган ем-хашакларни, шунингдек, колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликлари учун ажратадиган хашак ва ширали ем-хашакни тақсимлаш вазифаси юклатилсин. Ем-хашак келишиб олинган нархларда сотилсин. Айрим хўжалик, район ва умуман регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсий хўжаликлар билан шартномалар тузиш рағбатлантирилсин.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ҳамда район ва шаҳар ижроия комитетлари давлат ресурсларидан аҳолига ажратиладиган ем-хашак жамғармаларининг эгалари эканлиги белгилаб қўйилсин, улар посёлка, қишлоқ ва овул Советларига ана шу ем-хашакни сотиш учун тақсимлаб, айни вақтда талонлар билан таъминлайдилар. Посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг комиссиялари аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан, Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали кучли ем-хашак, шунингдек шахсий хўжаликларда рўйхатга олинган ҳар бош мол ҳисобидан колхоз ва совхозлар ажратадиган хашак ва ширали ем-хашак сотиб олиш учун талонлар беради.

5. Ўзбекистон ССР Давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари аҳолининг шахсий хўжаликларига бошқа регионлардан келтирилаётган наслдор қорамоллар, шунингдек, республика колхоз ва совхозларида етиштирилаётган наслдор ва насли яхшиланган моллар ҳисобидан бузоқ ва паррандалар сотишни кўпайтирсинлар.

1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Советида гражданларнинг шахсий хўжаликларидаги молларга зооветеринария хизмати кўрсатадиган хўжалик ҳисобидаги пунктлар ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон агросаноат банки аҳоли мол ва паррандa сотиб олишида унга ёрдам бериш учун колхоз ва совхозларнинг талабномаларига мувофиқ кредитлар ажратсин.

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

Ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин, унда колхоз ва совхозларни ем-хашакни кўпайтиришга рағбатлантириш ва ем-хашак билан аҳоли ларини устун даражада таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтирганлик учун ем-хашак билан натура тарзида ҳақ тўлашни кенг жорий этиш юзасидан тадбирлар туркуми кўзда тутилсин;

ушбу Фармон бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин ва ярим йилда бир марта системали равишда унинг рўёбга чиқарилиши тўғрисида маълумот берилсин, текшириш материаллари матбуотда ёритилсин ва телевидение орқали эшиттирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

● *Тошкент метроси қурилишида*

ЖАДАЛ СУРЪАТ

● ФАКТ: «Ташметрострой» меҳнат аҳлининг ўз анъанаси бор. Ер ости қасрининг навбатдаги станциялари Улуғ Октябрь шодиёнаси айёмларида доимо ишга туширилади. Бу йил ҳам шундай бўлиши табиий: 7 ноябрь куни «Тинчлик» ва «Беруний» станциялари фойдаланишга топширилади.

ШАРҲ: «Ер ости қасри» — «Метро» ва унинг бунёдкори —«Метросоз» иборалари миллий тил луғатида қайд этилган бўлса ҳам, улар аслида асосан ўн йилдан буён фаол қўлланила бошланди.

Метросозлар айни кунларда Ўзбекистон йўли тармоғидаги сўнгги икки станцияда ишламоқдалар. «Тинчлик» ва «Беруний» станциялари ишга туширилгач, Тошкент медицина институти шифохоналари, Тиббиёт ходимлари шаҳарчаси, «Юбилей» спорт саройи ҳудудларидан шаҳар марказига ишга келиш фурсати янада қисқаради. Метрополитен йўли эса яна 3,6 километрга узаяди. Навбатдаги икки станция ишга тушгач, ер ости қасри йўлининг масофаси 31 километрга етади.

«Ташметрострой» бўлинмалари билан «Союзметроспецстрой» ташкилотининг мутахассислари ҳам қурилишда меҳнат қилмоқдалар. Улар станцияларни пардозлашяпти. Лойиҳага кўра, станция ички безаклари ўзгача бўлади. Станция устунларига миллий нақшлар туширилади. Деворлардаги ёзувлар ҳамда безакларда бошқа бекатлардагига нисбатан шарқона услуб ёрқин акс этиши мўлжалланган. Йўловчиларга қулайликлар яратилади. Жумладан, «Тинчлик» станциясига тушиш йўллари Беруний кўчасидан ўтувчи ер ости йўли билан туташтирилади.

Яна бир янгилик. Метрополитеннинг Юнусобод тармоғи бўйлаб ҳам қизғин иш боряпти. Пойтахтнинг Лоҳутий ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ҳудудларида ер қазиш ишлари олиб бориляпти. Бу билан учинчи йўл тармоғига замин ҳозирланаётир.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратларни А. Горокрик (ЎзТАГ мухбири) олган. 1. Метросозлар Қ. Ғофуров, А. Морозов ва Г. Люстер (чапдан ўнгга)ларни зарбдорлар сифатида ҳурмат билан тилга олишади. 2. «Тинчлик» станцияси қурилиши манзараси.

● *Биз—байналмилалчилармиз*

СОВХОЗДА ГИЛАМ ФАБРИКАСИ

Максим Горький номли совхоз Тўрткўл районидаги йирик хўжаликлардан бири. Бу ерда ҳар йили пахта, чорва, сабзавот ва пилла маҳсулотлари бўйича плантопшириқлар ошириб бажариляпти. Мазкур хўжаликда қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш борасида бир қанча тадбирлар амалга ошириляпти. Меҳнатнинг янгича усуллари—коллектив, оила, звено ва ижара пудратидан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, аҳолининг ишсиз юрган қисмини — хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти.

Совхоз раҳбарлари мазкур муаммони тезроқ ҳал қилиш мақсадида Туркманистон ССРнинг Тошовуз области билан иқтисодий ҳамкорлик қилишяпти, Жумладан, яқинда совхозда Тошовуз области гилам тўқиш фабрикаси филиали ишга туширилди. Айни кунларда филиалдаги 8 та гилам тўқиш дастгоҳида 32 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Уларнинг тўқиган гиламлари нафислиги жиҳатидан туркман гиламларидан қолишаётгани йўқ.

Цехда ўз ишининг билимдонлари талайгина. Авазгул Омонқиличева, Қизилгул Байрамова, Хадича Мередова, Жамила Гарлиева, Хадича Режепова, Айтгул Қурбонова сингари чевар тўқувчилар смена топшириқларини 120—125 фоизга етказиб уддалашмоқда. Бу илғорлар тайёрлаган дастлабки маҳсулотлар комиссия томонидан жуда яхши баҳоланди.

Цехда туркманларнинг «Еке», «Ёмут» деб аталадиган гиламлари ўзига хос янги бир тусда тўқиб чиқарилмоқда. Узунлиги 3 метр, эни 2 метр бўлган бу гиламларни аҳоли севиб харид қиляпти.

— Гилам тўқиш цехини кенгайтириш ниятимиз бор, — дейди совхоз партия ташкилоти секретари Ҳамро Матқиличев. — Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Ҳозир қишлоқ ҳунартехника билим юртида 30 дан зиёд талаба гилам тўқиш сир-асрорларини ўрганяпти. Яқин орада цехдаги ишчилар сони 120 нафардан ошиб кетади.

Куни кеча Тошовуздан фабрика раҳбарлари келиб, филиалдаги ишлар билан танишишди. Камчиликларни бартараф этиш учун ёрдам беришларини айтишди.

— Тез кунда яна 20 та дастгоҳ етказиб берамиз, — дейди Тошовуз гилам тўқиш фабрикаси директори Қизилгул Бердиева. — Ана шунда филиал бир оз бўлсада кенгайтирилади. Хом ашё билан таъминлаш ҳам яхшиланади.

Максим Горький номли совхоз раҳбарлари туркманистонлик гиламдўзлар билан ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттириш тарафдори. Бу эса азалдан оға-ини бўлиб келган икки халқ дўстлигининг мустаҳкамланишига, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг яхшиланишига хизмат қиляпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТИКУВЧИЛАР ТАЖРИБАСИ

● ЯНГИЛИК

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ильичевск шаҳридаги тикувчилик фабрикасида синов тариқасида олти соатли иш кунига ўтилган эди. Шу муддат ичида фабрикада ишлаб чиқариш ҳажми камайгани йўқ, аксинча ортди. Меҳнат унумдорлиги ҳам ўсди.

— Бунинг сабаби, — дейди фабрика директори Бурозия Исмоилова, — ишчиларга қулай иш шароити яратилишидадир. Шунинг учун ҳам улар илгари саккиз соатда қиладиган ишни олти соатда бемалол уддалашмоқда. Бу ишлаётган аёлларимизга ҳам, фабрикамизга ҳам қулай бўлмоқда.

Дарҳақиқат, фабрикада ишловчиларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг уйларида ҳам юмушлари кўп. Рўзғор юмушлари билан ўралашиб, кўп ҳолларда фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга, ўзларининг маданий савияларини оширишга вақт топиша олмайди.

Хўш, фабрикада қандай қилиб саккиз соатли иш нормаси олти соатда бажарилмоқда?

Бу ерда хўжалик ҳисоби шароитида кейинги икки йил ичида маънавий жиҳатдан эскирган дастгоҳ ва ускуналар янгиларига алмаштирилди. Барча цехлар дид билан қайта жиҳозланди. Энг муҳими, шартномачи корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш туфайли иш марошининг кескин яхшиланишига эришилди. Бекор туриб қолишларга барҳам берилди. Биринчи кварталда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 217 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Айни пайтда фабрика қошида янги ошхона, санаторий-профилакторий ишга туширилди. Яна шуниси муҳимки, фабрика маҳсулотининг сифатига билдирилган эътирозномалар сони ҳам кескин камайди. Бунинг сабаби ўрганилганда, тикувчилар саккиз соатли иш тартибида аксарият смена охирида сифатсиз иш бажаришлари маълум бўлди.

Коллектив тажрибасидан келиб чиқиб, Андижон вилоят саноат-савдо ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли яна бир қатор тикувчилик фабрикаларида ҳам иш шароитини яхшилаш асосида олти соатли иш кунига ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда.

К. НИШОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда шу йил 2 май куни Андижон шаҳрида рўй берган оммавий тартибсизликлар ҳамда шаҳарда ва областда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга оид шошилинч тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов дастлабки ахборот берди.

Андижон шаҳридаги оммавий тартибсизликлар, деди у, энг аввало область ва шаҳар партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг бепарволиги ва хотиржамлиги, улар аллақачон етилган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида тадбирлар кўрмаганлиги натижасида рўй берди. Улардан кўпчилигининг калтабинлиги, фавқулодда вазиятларни олдиндан кўра билмаслиги ва огоҳлантирмаслиги, саросимага тушиб, чорасиз бўлиб қолиши воқеаларнинг кенг ривожланишига кўмаклашди.

Шаҳарда ва умуман Андижон областида ёшлар дам олишини ташкил этишнинг масъулиятли соҳалари билимсиз, сиёсий жиҳатдан масъулиятсиз кишиларга ишониб топширилганлиги, ўтган йилги Фарғона воқеаларидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш ва қўллаб-қувватлашга доир йўл-йўриқларидан зарур сиёсий хулосалар чиқарилмаганлиги хавотирлик уйғотади. Савдода ва маиший хизмат соҳасида ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчиликка, чайқовчиликка, пораҳўрликка ва бошқа хил қонун бузишларга қарши кураш зарур даражада ҳужумкорлик ва қатъият билан олиб борилмаётганлиги меҳнаткашларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси М. И. Иброҳимовнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди. Айни пайтда рўй берган тартибсизликлар ифвогарона тусда бўлиб, шаҳар ва областнинг ҳозирги ва собиқ раҳбарлари йўл қўйган жиддий нуқсонларнинг натижаси бўлганлиги таъкидланди. Уларнинг кўпчилиги четдан кузатувчилар мавқеини эгаллаб келдилар ва эгаллаб турибдилар, одамларнинг ишлари ва биринчи галдаги ташвишларига ҳамдард эмаслар.

Андижон шаҳридаги воқеаларни, уларнинг сабабларини оммавий ахборот воситалари етарли даражада ёритмаганлиги айтиб ўтилди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон шаҳридаги тартибсизликларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш учун ташкил этилган комиссиясига маҳаллий партия, совет, хўжалик идоралари ва жамоатчилик билан биргаликда областдаги вазиятни барқарорлаштиришни, тартиб ва интизомни йўлга қўйиш, шаҳарда ва областда соғлом маънавий-ахлоқий ва психологик вазиятни вужудга келтириш юзасидан барча зарур чораларни кўриш вазифаси топширилди. Энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга доир бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди, республиканинг партия, совет органларига, министрликлари ва идораларига тегишли топшириқлар ва тавсиялар берилди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида шаҳар, район ҳисобот-сайлов партия конференцияларининг якунлари ва область конференцияларига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Ўз ишини тамомлаган конференциялар умуман ошкора фикрлашув, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил этиш, коммунистларнинг партия тақдири ва обрў-эътибори тўғрисида гамхўрлик қилиш руҳида ўтганлиги таъкидланди. Бу эса сайлаб қўйиладиган органларни шакллантиришда демократик ёндашувларни ривожлантиришга кўмаклашди. Шаҳар ва район партия комитетларининг 43 нафар секретари, жумладан, 10 нафар биринчи секретари муқобиллик асосида сайланди, салкам 50 фоизи бевосита делегатлар томонидан сайланди. Янгиланган партия комитетлари таркибига 30,7 фоиз ишчи ва оддий колхозчи, салкам 27 фоиз хотин-қиз сайланди. Юқори партия органларига 3142 номзод, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съезди делегатлари таркибига 2040 номзод тавсия этилди.

Шу билан бирга, конференцияларнинг анча қисми эскича усулда ўтди ва коммунистлар кутган натижа бермади. Ортиқча дабдабабозлик, ақидапарастлик ва ношуд позиция, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини, шаҳар ва районларда рўй бераётган қайта қуриш жараёнларини юзаки, бир ёқлама таҳлил этиш, қарамлик ва хотиржамлик кайфияти уларнинг катта камчиликлари бўлди. Жойлардаги сиёсий вазиятнинг ўткирлиги, партияни янгилаш ва унинг жамиятдаги янги мавқеини англаш муаммоларни ҳамиша ҳам ўзининг муносиб аксини топмади. Раҳбар идораларни, айниқса партия комитетларининг секретарлари, бюро аъзоларини сайлашда кўпинча маҳаллийчилик, гуруҳчилик кайфиятлари намоён бўлди, бошқача, янгичасига фикрловчи кишилар ҳамиша изланди, деб бўлмайди.

Ана шу ва бошқа салбий кайфиятлар, деб таъкидланди. Бюрода, область партия конференцияларига тайёргарликнинг якунловчи босқичида етарли даражада ҳисобга олинмаяпти. Докладлар лойиҳаларида сиёсий таҳлил ва хулосалар йўқ; миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиш жараёнлари миллатлараро муносабатларнинг аҳволи, норасмий ва диний ташкилотлар билан иш олиб бориш усуллари зарур даражада очиб берилмаяпти, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги танг аҳволдан чиқишнинг аниқ равшан йўллари таклиф этилмаяпти.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетларига область партия конференцияларини ўтказишга оид ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш вазифасини топширди. Шаҳар ва район партия конференциялари сабоқларини ҳисобга олиб, докладларнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий жиҳатларига эътиборни қаратиш, сайлаб қўйиладиган идоралар аъзоларини ва делегатларни материалларни тайёрлашда энг кўп даражада ишга солиш, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларида баён этилган энг муҳим масалалар юзасидан аниқ-пухта мавқени эгаллаш таклиф этилди.

Марказий Комитет Бюросида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг асосий ҳужжатлари қандай тайёрланаётганлиги ва партия турмушининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

БОЛАЛИКДАН ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Шу кунларда жумҳурият газеталарида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ 1 июлдан кўп болали оилалар учун ҳар ойда бериладиган нафақа икки баравар ошади.

— Демак, бу йил апрелда туғилган чақалоғим бир ярим ёшли акасидан икки баравар бой бўларканда? — дейди тушунмасдан Зулфия Абдуллаева. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси санаторий-профилакторийсида ошпаз бўлиб ишлайди.

— Чақалоғингиз ҳам, акаси ҳам бой бўлишади, — дейди Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министри Санобар Ахроловна Хўжаева. — Катта оилаларда тарбияланаётган беш ёшгача бўлган барча болаларга бериладиган ойлик нафақа икки баравар кўпайтирилди.

Ҳозир кўп болали оиларга тўртинчи фарзанд туғилиши билан доимий нафақа берилмоқда. Жумҳуриятимизда 670 мингдан кўпроқ шундай оила бор, бу оилаларда 850 минг нафарга яқин бола тарбияланади. Ўтган йили бир болага ҳар ойда ўрта ҳисобда 5 сўм 86 тийин сарфланган эди. Президент қабул қилган Фармонга мувофиқ энди ўртача нафақа миқдори 12 сўм бўлади.

Лекин бу — ўртача миқдор. Масалан оиладаги ўнинчи фарзандни олиб кўрайлик. Аввал ана шу бола учун ойига 12 сўм 50 тийин берилади, энди эса бу нафақа 25 сўмга етказилди. Кўриб турибсизки, салмоқли қўшимча бўлган.

Жумҳуриятимиз бюджети бутун мамлакатимиздаги сингари унчалик бой эмас. Лекин ҳар ҳолда Ўзбекистонда кўп болали оилаларни қаттиқ қўллаб-қувватлаш учун маблағ топишди. Шу йилнинг ўзида уларга 32,2 миллион сўм пул берилади, умуман ҳар йили нафақаларга 74,5 миллион сўм сарфлаш режалаштирилмоқда.

Шу кунларда барча даражалардаги социал-таъминот бўлимларида қизғин иш кетяпти. Социал-таъминот идораларининг ходимлари олдида бирорта ҳам онлани четда қолдирмай, барча нафақалар миқдорини қайта ҳисоблаб чиқишдек вазифа турибди.

(ЎзТАГ).

МАФКУРАВИЙ ИШДА ҚАТЪИЙЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК БЎЛСИН

● Илгари хабар қилинганидек, шу йил 23—24 апрель кунлари КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, бир қатор шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг кенгаши бўлиб ўтган эди. Унда Сиёсий бюро аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев КПССнинг мафкуравий-сиёсий иши тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов ҳам қатнашган эди.

Район партия конференцияларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номига тушган саволлар муносабати билан қуйида ўша муҳокамадаги нутқнинг матни эълон қилинади.

ХУРМАТЛИ ўртоқлар! Авваламбор, КПСС Марказий Комитети партия комитетлари мафкуравий иш бўйича котибларини тўплаб, уларни эшитишни зарур деб топганлигидан қаноат ҳосил қилганлигимизни билдиришга рухсат этгайсизлар. Гарчи қарийб ҳамма нарсаларга кечикиб муносабат билдириш Марказий Комитетга хос бўлса ҳам, ҳар ҳолда тўпланиб гаплашаётганимиз ва айрим принципиал ғоявий позициялар хусусида бизни хабардор қилиш мафкуравий соҳа раҳбарларининг сурункасига сукут сақлашларидан кўра яхшироқдир.

Ҳамма жойда партияда ва мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам вазият ҳийла мураккабдир. Бизда ҳам партияни ҳокимиятдан суриб юборишга интилаётган кучлар тобора аниқ намоён бўлмоқда. Республиканинг кўриниб турган социал-иқтисодий қолоқлиги бизнинг мафкуравий душманларимизга танқид учун қулай асос бўлмоқда. Ана шу имкониятдан марказдан қочувчи тенденцияларни кучайтириш учун энг хилма-хил жиҳатларда фойдаланилмоқда. Айрим кимсаларда миллий ғоя деб аталмиш тушунча ақлидрокни ҳам, ор-номусни ҳам, ахлоқни ҳам хиралаштириб қўймоқда. Ана шу маънода ҳам Ўзбекистон ССРдаги вазият бошқа республикаларда содир бўлаётган воқеликлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади, деб ўйлайман.

Республика олдида турган кўпдан-кўп муаммолар орасида унинг ўзи мустақил равишда ҳал қилиши мумкин ва лозим бўлган муаммолар ҳам бор ва биз уларни ҳал этишга интилмоқдамиз. Айни вақтда бир қатор мураккаб муаммоларни умумиттифоқ даражасида ҳал этиш зарур, бунда маблағ сарфлаш ва алоҳида куч-ғайрат талаб этилмайди. Мисол тариқасида мен шулардан бирига тўхталиб ўтаман.

Масалан Совет Армияси да бизнинг юртдошларимиз билан содир бўлаётган кўп сонли ўлим ҳоллари партия комитетлари ва республика жамоатчилигининг жиддий ташвишланишига сабаб бўлмоқда. Ҳар бир ана шундай ҳодиса областда, шаҳарда, районда жиддий кескинликка сабаб бўлмоқда.

1989 йил мобайнида республикага 430 та рух билан қопланган тобутлар келди. Бу — 430 та портлаш хавфи бўлган ўчоқдир. Бу—норасмий уюшмаларнинг ўнлаб митинглари демакдирки, уларнинг бир қисмида фожиалардан ўз мақсадларида фойдаланиб, уятсизлик ва ҳақоратлашларгача бориб етилмоқда.

Республика раҳбарияти аскарларнинг ўлаётган сабаблари турли-туманлигини яхши билади. Бу мусибатли статистикани ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, масалан, йўлларда, ишлаб чиқаришда рўй бераётган катта авариялар билан ҳам, жиноятчиликнинг ўсиши ва бошқа сабаблар оқибатида одамларни йўқотаётганлигимиз билан ҳам таққослаб бўлмайди. Бу ўринда асосий нарса бошқа ёқда: соғлом йигит тинчлик даврида ҳарбий хизматга жўнаб кетади-ю, орадан ойлар ўтгач, унинг ота-оналари фожиали хабар оладилар.

Бу ёш йигитларнинг катта қисми қурилиш батальонларида ўлим топмоқда. Уларни ҳарбий комиссариатлар хизматга чақиришади-ю, кейин эса министрликлар ихтиёрига беришади. Мудофаа министрлиги бўлса хизматга чақирилганлар учун ҳеч қанақа масъулиятга эга эмас.

Бу нарсага қачон чек қўйилишини биз билишимиз керак. Ниҳоят шу нарсани тушуниб етиш керакки, фожиа оқсоқолчилик, бахтсиз ҳодиса ёки беморлик орқасида рўй берадими, бунинг аҳамияти йўқ, лекин ҳалок бўлганлар асосан қишлоқ районларидан чиққан бўлиб, бундай жойларда одатга кўра дафн маросимларида мингга яқин одам қатнашади. Ваҳолонки, йирик шаҳарларда битта йўлакда яшайдиган қўни-қўшни баъзан ёнгинасидаги хонадонда рўй берган қайғуни билмайди.

Ҳозирча бу масалани ҳал этиш борасида ҳеч қандай силжиш йўқ. СССР халқ депутати ўртоқ Язовга сўров билан мурожаат қилинди. Республика Олий Совети сессияси қурилиш батальонларига юборилаётган хизматга чақирилувчиларни республикада ёки Туркистон Ҳарбий округи ҳудудида қолдиришга рухсат сўраб мурожаат қилди. Ахир Ўрта Осиё ёки Қозоғистонда қурилиш йўқми?

Менинг имоним комилки, биз бу масалани ҳал этишга мажбур бўламиз. Лекин масала, бизда одат бўлиб қолганидек, кечикиб, ижтимоий ҳарорат чидаб бўлмайдиган даражага кўтарилганидан кейин ҳал қилинмаслиги керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети муайян доираларда армиянинг обрўсини тўкишга, армияга чақириш тадбирларини барбод этишга йўналтирилган кампанияни бир оғиздан қоралайди. Биз бундан буён ҳам армия билан халқни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларга қарши, Қуролли Кучларимизга нисбатан сафсатабозлик, ва ёлғон-яшиқ гапларга қарши ғайрат билан курашаверамиз. Ўйлаймизки, армия коллективлари ҳаётидаги маълум номатлуб воқеаларни зўдлик билан бартараф этиш ва энг муҳими фожиавий ҳодисаларга чек қўйиш Қуролли Кучлар обрў-эътиборини кўтариш, ҳар қандай тушунмовчиликларни бартараф этиш йўлида қўйилган ҳал қилувчи қадамлардан бири бўлади.

УМУМАН олганда, республикада биз учун шу нарса мутлақо равшанки, вазиятни фақат ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўли билан барқарорлаштириш мумкин. Республика партия ташкилотининг сўнгги ойлардаги тажрибаси шуни кўрсатадики, ишларнинг аҳволи устидан назоратни сақлабгина қолмасдан, уни жиддий равишда кучайтириш зарур.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, ўтган сайловларда Ўзбекистон Компартияси қутилганидан ҳам зиёда қўллаб-қувватланди. Ҳолбуки, биз танқидий баҳоларга кўникиб қолгандик. Бундай юксак ишонч авваламбор шунинг натижасидирки, республика Компартияси ўзининг сайловолди платформасини ишлаб чиқишда ва ҳаракат дастурида энг долзарб муаммоларни рўй-рост кўрсатиш билангина чекланиб қолмай, ўша заҳотиёқ, сайлов бошлангунига қадар ижтимоий-иқтисодий тарздаги тадбирларни изчиллик билан амалга ошира бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаётга тадбиқ этилаётган ана шу тадбирларнинг бир қисмини айтиб ўтмоқчиман.

Томорқа ерларини икки баравар кўпайтириш ва қўшимча равишда (пахта экиладиган майдонларни камайтириш ҳисобига) 260 минг гектар ер ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу тадбир пахта яккаҳокимлиги кескинлигини камайтириш, сабзавот ва мева-чева етиштиришни кўпайтириш, шахсий уй-жой қурилиши учун кенг йўл очиш имконини берди. Шахсий уй-жой қурилиши авж олиши муносабати билан қурувчиларга қарз беришга пул ажратиш ва уларни қурилиш материаллари билан таъминлаш масалалари ҳал этилаётир.

Териб олинган ҳар бир килограмм пахта учун тўланадиган ҳақнинг оширилиши ижтимоий онг ҳаракатида катта роль ўйнади. Аҳоли иттифоқ органлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига харид нархининг оширилишини, шунингдек, пахта яккаҳокимлиги масаласининг умуман ҳал этилишини умид билан кутиб турибди. 1990 йил плани бўйича тахминан 1,5 миллион тонна пахта толаси тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Шаҳарлар ва республка пойтахти хўжаликларини қайта қуриш, қишлоқни социал жиҳатдан бошқача қилиб қуриш юзасидан тадбирлар қабул қилинди.

Ўрта Осиёда барча ҳаётий масалаларда маҳаллалар катта аҳамият касб этади. Илгарилари обрўли ва ҳурматли кишилардан сайланган маҳалла комитетларининг раислари ва котиблари жамоатчилик асосида ишлашарди ва аҳолини тарбиялаш анъаналарини сақлаш, маҳаллада муайян ахлоқий муҳитни барқарор қилишда катта аҳамиятга молик ишни бажаришарди. Ҳозир маҳаллаларнинг раҳбарлари (раис ва котиб) маош олмоқдалар. Бу яхши натижалар бермоқда, аҳоли истиқомат қиладиган жойда олиб бориладиган мафкуравий, тарғибот, тарбиявий ишлар ўша раҳбарлар орқали амалга оширилмоқда. Тўғри раҳбарлик қилинса, уларга мафкура иши ходимларининг яхши ёрдамчилари бўлишлари мумкин.

1990 йилдан бошлаб республиканинг барча мактабларида бошланғич синф ўқувчиларига текинга нонушта бериш жорий қилинди. Ўрта Осиёдаги кўп болали оилалар шароитида бу каттагина ёрдамдир. Камқонли касали бўлган ҳомиладор аёлларга қўшимча текин овқат бериш жорий қилинди. Ветеранларнинг нафақалари оширилди, интернат-уйларда ногиронлар ва кексалар учун қилинадиган харажатлар кўпайтирилди.

Колхоз ва совхозларга давлат хариди ҳисобига болалар яслиси ва боғчаларга ҳамда шифохоналарга қишлоқ хўжалик маҳсулоти ажратишга рухсат берилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, агар кўп болали она ўз томорқасида ишласа ва маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузса бундай тақдирда у меҳнат дафтарчаси олади ва ишлаб турганлар бахраманд бўладиган нарсаларнинг ҳаммасидан (нафақа, меҳнат стажи ва бошқалар) фойдаланади.

Барча область марказларида қобилиятли болалар учун мактаб-интернатлар ишлай бошлайди. Қобилиятли йигит-қизларни йўлланмалар билан мамлакатнинг етакчи илмий марказлари ва чет элга ўқишга юбориш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Яна бир хайрли иш — хусусий квартираларда яшашга мажбур бўлган студентларга (улар 78 минг) ижара ҳақи учун пул беришга қарор қилинди. Қишлоқ врачлари ва ўқитувчиларига жамоат транспортида ҳақ тўламай юриш имкони берилгани ҳам муҳим социал тадбирлар сирасига киради.

Шарқ календари бўйича янги йилнинг бошланиши — Наврўз байрамининг қайта тикланиши юксак кўтаринкилик билан кутиб олинди. Марказий Комитетнинг ташаббуси билан бу байрамнинг қайта юзага чиқарилиши ҳам, «Мерос» давлат программасининг яратилиши ҳам сохта ватанпарварлик позициясидан туриб жар солаётган турли норасмий бақироқларга берилган ишончли зарба бўлди.

Асосий гап шундаки, одамлар ким аниқ ишларни амалга ошираётир ва кимлар вайсақилик билан шуғулланаётганлигини таққослаб, бунга ишонч ҳосил қила олдилар. Ана шу нарса улар учун қайси томонга ўтишни олдиндан белгилаб берди.

Ҳозир қилинган ишлар билан хотиржамланиш чуқур янглишиш ва хато бўлур эди. Қилинган ўзгаришлар ҳали муқаррар тус олгани йўқ ва биз, ўйлашимча, бўлажак иқтисодий ислоҳотлар маъносида жиддий синовларга тайёр туришимиз керак.

Шунинг учун ҳам бизга мамлакатнинг иқтисодий ва социал аҳволи хусусида яқин икки-уч йилга мўлжалланган илмий асосланган прогноз сув билан ҳаводек, ниҳоятда зарурдир. Бошқариладиган бозор иқтисодиёти деб аталаётган тадбир жорий этилганидан кейин воқеаларнинг мумкин бўлган ривожини моделлаштириш даркор. Ҳозир ана шундай иқтисодиётнинг оқибатлари тўғрисидаги узунқулоқ гаплар аҳолини тобора безовта қилмоқда. Одамларнинг турмуш даражаси эртага қандай бўлади? Биз учун, меҳнаткашларнинг сиёсий партияси учун бу шунчаки бекорчи савол эмас, унга халқ олдида ҳалоллик билан жавоб бериш керак.

Мафкура соҳаси кадрлари муттасил равишда тушунтириш ишлари олиб боришга йўналтирилади. Бу тўғри. Биз ўз навбатида кечагина мўл-кўл бўлган моллар нега бугун йўқ бўлиб қолаётганлигини тушунтирмоқдамиз. Лекин биз қачонгача бундай тушунтириш ишлари билан шуғулланишимизни билиб олишимиз керак. Одамлар аниқ ва равшан жавобни талаб қилмоқдалар. Энг даҳшатлиси шундаки, улар эндиликда бизга ишонмай қўймоқдалар.

АҲВОЛНИНГ танглиги ва ажабланадиган ери шундаки, бутун жамият қайта қурилаётган шароитларда ана шу қайта қуришнинг ўзи партиявий-сиёсий, мафкуравий ишга таққослаб бўлмайдиган даражада кам алоқадор бўлиб қолмоқда. Биз, менинг сезишимча, партиянинг ўзидаги ички жараёнлар, оммага сиёсий таъсир ўтказишнинг янги таъсирчан принциплари тўғрисида, кўп партиялилик шароитларидаги иш хусусида етарли равишда аниқ ва чуқур тасаввурга эга бўлмаган ҳолда туб ўзгаришларни амалга оширишга ириняпмиз.

1985 йил апрелидан бери беш йил ўтган бўлса ҳам бизда моҳият эътибори билан мафкуравий ишнинг мақсадга йўналтирилган ва мукаммал концепцияси йўқлиги аён-ку ахир. Бизнинг партия раҳбарлари вақтивақти билан маъруза қилиб туришларини ҳурмат қиламиз, аммо тан олиш керак, КПСС Марказий Комитети дунёдаги бирон-бир партия эга бўлмаган жуда улкан тарғибот аппаратини бирлаштирувчиликдек ўз ролини ҳозирча ёмон бажармоқда.

Бунинг устига ўзимизнинг партия матбуотимиз ўзиниқиларни нишонга олмоқда, партия босмаханалари ва нашриётлари партияга қарши газета ва журналларни оммавий нусхаларда босиб чиқармоқдаки, бундай вазиятни ҳеч бир партия хаёлига ҳам келтиролмайди.

Қоғоз етишмаяпти, деган гапни муттасил эшитишга тўғри келади. Лекин очиқдан-очиқ Советларга қарши, социализмга қарши варақалар учун қоғозлар қаердан олинаётганини ақл бовар қилмайди. Бундай варақалар Москвада тўлиб-тошиб кетган ва бутун мамлакат бўйлаб ўрмаламоқда. Болтиқбўйида ўз нашрларини кўпайтириш учун қоғозни қаердан олишмоқда? Бизнинг хонаки норасмийларимиз эса ана шу нашрларни Ўзбекистонга жўнатиб туришибди.

Биз партия комитетларининг ўз матбуот органлари билан янги ўзаро муносабатлари хусусида панд-насиҳатлар эшитар эканмиз, бир нарсани билишни истар эдик: Айтайлик, КПСС Марказий Комитетининг позицияларига нисбатан сира ҳам хайрихоҳ бўлмаган «Огонёк» журнали КПСС Марказий Комитети нашриётида чиқарилаётганини Марказий Комитетда нормал ҳол деб ҳисоблайдиларми? КПСС Марказий Комитетининг баъзи бир газеталари ўзининг бутун танқидий ғайратини партия қуйи комитетларига йўналтириб, очиқдан-очиқ партиянинг бошидан мағзава қуяётганлардан ўз ғазабини дариғ тутаётганлигини рисоладаги иш деб бўладими?

Шунга ишончим комилки, партия учун ҳал қилувчи вақт бўлган ҳозирги шароитда иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар билан бир қаторда матбуот учун курашнинг натижалари катта аҳамият касб этади. Кўп нарса қўлдан чиқариб юборилди, лекин биз ҳали партия ўзининг энг қудратли қуроли —матбуотни ихтиёрий равишда топшириб қўйиши даражасига етганимиз йўқ, демак ҳали ҳам вақт ганимат.

Бизда бирон бир фикрлар хилма-хиллигига йўл қўймайдиган нашрлар аллақачон пайдо бўлганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети очиқ-ойдин айтиши керак, деб ўйлайман. Бундай нашрлар моҳият эътибори билан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлайдиган тор доирадаги шахсларнинг минбарига айланиб қолганки, улар учун ярим ҳақиқат ва сохта-соҳалаштириш фаолиятнинг асосий негизи бўлиб қолган. Шунга қарамай, обрўли партия нашрлари, авваломбор «Правда» газетаси бу хусусда одоб билан сукут сақлашда давом этмоқда. Ҳар ҳолда мен «Огонёк», «Московские новости» саҳифалари, «Взгляд» кўрсатуви ва шунга ўхшаш «демократик» нашрларда босилган кўпдан кўп бўҳтондан иборат материаллар, айрим СССР халқ депутатлари томонидан КПССга қарши тез-тез бўлиб турган ҳуружлар хусусида «Правда» газетасида босилган материалларни эслай олмайман.

Ҳозир КПСС Марказий Комитетини фақат эринчоқларгина танқид қилмайди, дейиладиган одамга ўхшашни мен хоҳламас эдим. Лекин ўртоқлар, бизнинг асосий партия штабимизнинг лоқайдлиги, ҳаракатсизлиги ёки ноизчиллигини кўриб хафа бўлиб кетасан киши, бундай иш тутиш ҳозирги мураккаб даврда айниқса кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Кўпдан-кўп мисоллардан охиргиси—КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» деган очиқ хати, КПСС Марказий Комитети секретарларининг комсомол съездида айтган кейинги фикрлари, «Правда»да босилган бош мақолалар айрим партия ташкилотларини тарқатиб юбориш даражасига бориб бўлса ҳам қатъий покланиш тўғрисида яқиндагина билдирилган йўл-йўриқларни йўққа чиқаради. Бирор кимса ана шу узоқ кутилган покланишни амалга оширишга киришган партия комитетлари бугун қандай аҳволга тушиб қолишлари тўғрисида ўз-ўзига савол бердимикан?

Жойларда биздан агар Марказий Комитет партияга нисбатан оппозицияда турган кучлардан ажралиш кераклигини талаб қилаётган экан, нега у ҳолда бу борада ўзи намуна кўрсатмайди, деб ҳақли равишда сўрамоқдалар. Айтайлик, бошланғич партия ташкилоти Ю. Афанасьевнинг ҳулқи Уставга зид эмас, деб ҳисоблар экан, хўш, бу нуқтаи назарга Марказий Комитет қўшиладими? Афанасьевнинг ўзи эшикни тарақлатиб ёпиб кетишини кутиб туриш тўғри бўлганми?

Жипслашиш, бизнинг фикримизча, ҳар ҳолда панд-насиҳатлардан иборат суҳбатлар эмас. Бу авваломбор қатъий, ўйлаб қилинган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиши керак. Аммо, айни шундай хатти-ҳаракатлар йўқ.

Аччиқ бўлса ҳам, гапиришга тўғри келади. Партия активининг муайян қисмида баъзан КПСС Марказий Комитетининг у ёки бу йўл-йўриқларини амалга оширишга шошилмагани яхши, тез орада янги, унга бутунлай қарама-қарши бўлган кўрсатма олиниши эҳтимолдан холи эмас, деган фикр пайдо бўлмоқда.

Ҳали яқиндагина партия ва мафкура соҳаси раҳбарлари халқ депутатларининг II Съезди кун тартибига 6-модда тўғрисидаги масаланинг киритилишига қаршилик кўрсатиш учун фаолларни оёққа турғазган эдилар. Ва шунга эришилдики, орадан икки ой ўтгач, КПСС Марказий Комитетининг ўзи ўша моддани бекор қилиш ташаббускори бўлиб чиқди.

ФАОЛЛАР билан кейинги учрашувларнинг бирида мендан тўғридан-тўғри шундай деб сўрашди: айтингчи, партия аппарати қисқартирилганидан кейин партия ходимларига маошни оширишни қайси допо бир йилгача чўзди, кейинчалик ижтимоий кескинлик, кучайгач, маошни кескин кўтариб, шу заҳотиёқ янги Устав лойиҳасига аъзолик бадалларининг 50 фоизини бошланғич партия ташкилотларида қолдириш тўғрисида ёзиб қўйилди. Мени кечирасизлар, мен билолмай қолдим, бу ерда нима кўп: охиригача пухта фикрламаслик, сиёсий ғўрлиқми ёки онгли зараркунандаликми?

Биз ўзимизни илмий методология партияси деб атаймиз ва айни вақтда жуда қудратли илмий потенциалга эга бўла туриб, жуда бўлмаса бир неча қадам олга ташлашимиз учун вазиятни соғломлаштиришга ноқобилмиз. Наҳотки, ичкиликбозликка қарши кампания, агросаноат, Давлат, қабули, жадаллаштириш шиорлари ва бошқа кўпгина ишлардаги муваффақиятсизликлар сабоқ бўлмаган бўлса? Бизни яна қандай эксперимент кутмоқда?

Шунга ўхшаш ноизчилликлар партияга, унинг органлари обрўсига ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Бундан бир неча ой муқаддам биз КПСС Марказий Комитетининг мафкура бўлими билан келишувга муваффақ ўзимизнинг баъзи бир матбуот органларимизни қайта ташкил этиш тўғрисида, яъни қозоқ ва рус тилларида икки янги партия газетаси, ўзбек ва рус тилларида партия журнали чиқариш тўғрисида қарор қабул қилдик. Кўпдан бери кўтарилиб келаётган ва принципиал сиёсий аҳамият касб этган бу масаланинг ҳал этилишини жамоатчилик хурсанд бўлиб кутиб олганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Қарангки, қарорни биз ҳалққа маълум қилганимиздан кейин КПСС Марказий Комитетидан, худди илгари бу масала тўғрисида келишув бўлмагандек, бизга илтимосни қўллаб-қувватлаш мумкин, эмаслиги тўғрисида хабар қилишди.

КПСС Марказий Комитетининг мафкура бўлимини банд қилаётган жуда катта муаммолар олдида қандайдир ўзбекча нашрлар билан боғлиқ масалада кимнингдир паришонхотирлиги гўё фожиа эмас, дейилиши бизга умуман тушунарли. Лекин мен шу нарсани айтишим керакки, агар маҳаллий партия органларининг обрўси юқори бўлмаса партия ёки Марказий Комитетнинг обрўси ҳам юқори бўлиши мумкин эмас.

Агар Марказий партия газеталари оломоннинг тазйиқи остида сайлаб қўйилган партия органлари истеъфога кетаётганлари тўғрисида жозибадор қилиб хабар бераётган бўлсалару, КПСС Марказий Комитети эса ўз нуқтаи назарини ҳеч қандай тарзда билдирмаса, бу эртага оломон Старая майдонига кириб келмайди, деган гап эмас. Кейинги пайтлардаги воқеалар бунинг акси бўлишини кўрсатиб турибди. Негаки, бизнинг ғоявий душманларимиз сукут сақлаш ва қатъиятсизликни кучсизлик аломати деб баҳоламоқдалар.

Бизда, Ўзбекистонда, афтидан, бошқа регионларда ҳам шундай бўлса керак. Марказий Комитет — марказий матбуот муносабатларидаги эволюцияни жуда диққат билан кузатиб турибдилар. Намуна кучи, Москвага қараб иш тутиш ҳали ҳозир анча кучли. (Тўғрисини айтганда, баъзан бизнинг ақлимиз бовар қилмайди: бундай вазиятдан хурсанд бўлиш керакми, йўқми?) Шу боис, агар партия Марказий Комитети матбуотдаги ножўя тенденцияни тўғри йўлга солиб юбора олмас экан, жойларда занжирли реакция бошланиб кетади ва бундай реакция оммавий ахборот воситаларини йўқотиб қўйиш хавфини келтириб чиқаради, деган хавотирдаман. Худди шундай аҳволни маданият, айниқса, кино ва видеопрокат соҳаларида ҳам кўриш мумкин, бу жабҳаларда бирон-бир масъул сиёсатнинг ўзи йўқ, ёшларнинг ахлоқини мақсадга йўналтирилган равишда бузиш рўй бермоқда.

Шу муносабат билан бугунги кунда коммунистлар ва жамоатчилик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан республикада баъзи бир ахлоқсизлик мазмунидаги нашрлар, шунингдек, фильмлар ва телевизион эшиттиришлар тарқатилишини тўхтатиб қўйишни жиддий талаб қилаётганлари тўғрисидаги ахборотни эътиборингизга етказмоқчиман. Айтайлик, муайян ахлоқий ва эстетик анъаналар қарор топган бизнинг регионимизда экранда ялангоч тананинг пайдо бўлишини қандай қабул қилишлари масаласини Марказий телевидениеда ўйлаб кўришганмикан? Мен санъатдан озод бўлиб олган айрим арбобларнинг ўзларига эп кўраётган бошқа кўпгина эркинликлари тўғрисида гапирмай қўяқолай. Лекин биз матбуот билан муносабатларда кескинликнинг янги ўчоғини вужудга келтиришни хоҳламаётган бўлсак ҳам, бироқ, модомики, Москва оқимни зарур йўлга солиб юбора олмас экан, биз баъзи бир тақиқловчи тадбирларни кўришга мажбур бўламиз. Охирги фикр, ўртоқлар. Мен ҳеч нарсани соддалаштирмоқчи эмасман, лекин масала қўйган ва саволлар берган вақтимда уларга қаноатланарли жавоб оламан, деб ўйлаганим йўқ. Мамлакатнинг юрагида, ҳамма орзу-умид билан, ташвиш ва алам билан қараб турган жойда, Ленин юбилейи арафасида Москва Совети депутатлари залда Владимир Ильич Ленин бюсти туриши керакми ёки йўқми, деган масалани муҳокама қилган бўлсалар, биз нимани ҳам кутишимиз мумкин?

Бу бошқариш воситаси ва елкандан ажралиб қолган мафкуравий фаолиятимизнинг чуқур инқирозидан дарак беради. Шунинг учун ҳам ўз жойида, кечирасизлар, шундоққина бурнининг остида жўнгина соғлом фикрга мос келадиган тартиб ўрнатишга қодир бўлмаганлардан ҳозир биз маслаҳатлар ва панд-насиҳатларни қабул қилиб олишимиз қийин бўляпти.

Кескин гапирганим учун кечирасизлар, ўртоқлар. Лекин мен шу кунларда Ўзбекистоннинг кўпгина партия ходимлари ва коммунистлари нималар ҳақида ўйлаб ва нималар ҳақида гапираётганликларини сизлар билиб қўйишларингизни истардим.

● Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Жамиятимиз қайта қуриш тақдири ҳал этилаётган инқилобий ўзгаришлар даврида турибди. Мана шундай бир пайтда партиянинг жамиятда тутган ўрни ва ролини аниқлаб олиш ғоят муҳимдир. Шу нуқтаи назардан қараганда КПСС Марказий Комитетининг Февраль Пленуми алрҳида аҳамият касб этди. Пленумда қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам партиянинг бундан кейинги фаолияти қандай бўлиши лозимлиги ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Ҳозир районимиз меҳнаткашлари бу муҳим ҳужжатни қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Ҳаракат дастури лойиҳасида партиянинг обрўси ва мавқеини тиклаш учун , аввало эски андаза, қолиплардан воз кечиш ва бу йўлда дадил ҳаракат қилиш лозимлиги жуда тўғри таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам партия раҳбар ходимлари орасида ҳанузгача сўзамоллик қилиб, мавжуд шарт-шароитлар ва имкониятларни ҳисобга олмай, одамларга қуруқ ваъда бериб, сўзининг уддасидан чиқмаётганлар ҳамон учраб турибди. Оқибатда бу партия обрўсига жиддий путур етказмоқда. Эндиликда бундай ҳолларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Тўғри, ҳақиқатан ҳам бугун кўп нарса етишмаяпти, лекин ҳадеб нолийвермасдан ҳар бир киши ўзига нисбатан танқидий қараса ёмон бўлмасди. Ахир, ким қандай ишласа, шундай яшайди. Қоларверса, дадил, ижодий ишлаш учун катта имкониятлар яратилди. Бу ўринда партия ташкилотлари авангардликни ўз қўлларига олиши лозим.

Районимиз меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ошмоқда. Айни пайтда мавжуд социал ва иқтисодий тангликни ҳал этишга дадил киришдик. Озиқ-овқат таъминотини яхшилаш мақсадида пахта майдонлари қисқартирилиб, сабзавот, полиз экинлари ва аҳолига томорқа учун ер ажратилди. Янги-янги боғлар барпо этдик. Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш йўлида кейинги икки йилда 960 хўжаликка 67 гектар ер майдони ажратилган бўлса, ўтган йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида 7778 оилага уй-жой қуриш учун 804 гектар, томорқа учун эса 570 гектар ер тақсимланди.

Меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш масаласи билан ҳам жиддий шуғулланяпмиз. Районимизда янги ташкил этилган «Тўрақўрғон» боғдорчилик совхози мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имкониятини берди. Оқтош посёлкаси, Шаханд, Холматов, Ахси, Бураматут қишлоқ Советларида саноат корхоналари филиаллари ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Шаханд қишлоқ Советида 1400 киши ишлайдиган трикотаж фабрикаси қурилмоқда. Умуман, яқин йиллар ичида мана шундай корхоналар ва уларнинг филиалларини қуриб ишга туширишнинг натижасида 9 мингдан зиёд меҳнатга лаёқатли киши доимий иш билан таъминланади.

Биз барча фаолиятимизни идеология билан боғлаб олиб боряпмиз. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки қайта қуриш муваффақияти айни пайтда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга қандай муносабатда бўлишимизга ҳам боғлиқдир. Менимча, ҳозирги шароитда ҳар бир раҳбар етук идеология ходими бўлиши лозим. Шундагина у омма орасига бориб, ошкора мулоқотда бўлиш ва баҳс, мунозаралар юритишдан чўчимайди. Мавриди келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, коммунист раҳбарнинг обрўси бу партиянинг ҳам обрўсидир. Айни пайтда партия ўз ҳаталарини тан олиб, уни бартараф этиш учун бутун куч ва имкониятини сарфламоқда.

Партия обрўсини тиклаш учун матбуот органлари ҳам ўз иш услубида кескин бурилиш ясашлари керак. Ҳа, деб эски хатолар, турли сабаблар билан ишдан кетган кечаги раҳбарларни қоралайвермасдан, халқ ташвиши билан яшаётган, қайта қуришнинг жонкуяр раҳбарлари тўғрисида кўпроқ ёзилса фойдадан холи бўлмасди.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасида кўп партиялиликка йўл очиш ҳақида ҳам фикр билдирилди. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, КПСС билан ёнма-ён фаолият кўрсатадиган бошқа партиялар ҳам қайта қуришга халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашишлари, сўзда эмас, амалий ишда елкадош бўлишлари лозим. Халқнинг турмуш фаровонлигини таъминлай оладиган, тинчликни сақлашга қодир бўлган янги кучларни партия фақат маъқуллайди. Кўп партиялилик ана шундай кучларни тезроқ ҳаракатга келтирадиган омил бўлсагина биз учун тарафдоримиз.

Маълумки, Арманистон ва Озарбайжондаги жанжаллар барҳам топмасдан туриб, қўшни Тожикистонда ҳам фожиалар рўй берди. Халқимиз «қўшнинг тинч, сен тинч» деб бекор айтмаган. Ҳақиқатан ҳам, жойлардаги бундай жанжаллар қайта қуриш жараёнига жиддий путур етказмоқда. Ташвишланарли жиҳати шундаки, дам у ерда, дам бу ерда қайта қуриш, демократия ниқоби остида ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга интилаётган экстремист кучлар бош кўтариб чиқяпти. Шу боис мен Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ҳуқуқ-тартибот органларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги фармонини тўла маъқуллайман. Қайта қуриш душманларига қарши мана шундай қаттиқ, таъсирчан чоралар кўриш ниҳоятда зарур.

КПСС XXVIII съездида КПСС Уставига ўзгартиришлар киритилиши шубҳасиз. Районимиз коммунистлари шу борада кўплаб таклифлар билдиришяпти. Таклифларнинг бирида партия комитетлари бюролари ва секретарларини, конференция ва съездларга делегатлар сайлашни одатда партия қуйи бўғинларининг хоҳиширодасини эътиборга олган ҳолда, муқобиллик асосида амалга ошириш масаласи қўйилди. Бу иш ўринли, албатта. Ў депутатлар сайловида ҳам синовдан ўтди. Халқ манфаати учун Уставда шунга йўл берилса, энг муносиб кишилар раҳбар кадрлар қаторига қўшилиб бораверади.

Ҳуллас, тўғри сўз билан, иш билан халқ ҳурматини, ишончини қозонмоқ биз — партия ходимларининг муқаддас бурчимиздир.

О. БОЗОРОВ,
Тўрақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ЎЗ МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ЯШОВЧИ ЁКИ СССР ТЕРРИТОРИЯСИДА ШУНДАЙ ТУЗИЛМАЛАРГА ЭГА БЎЛМАГАН СССР ГРАЖДАНЛАРИНИНГ ЭРКИН МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки СССР территориясида шундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисидаги Қонун миллий муносабатларни уйғунлаштиришга, ҳар бир миллат ва миллий гуруҳнинг ўзига хос манфаатларини қондиришга, миллатлараро алоқада ўзаро ҳурматни ва социалистик байналмилалчиликни қарор топтиришга кўмаклашмоғи лозим.

I БЎЛИМ
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. СССР гражданларининг миллатига, тилига, ўтроқлигига, машғулот турига ва турига, динга муносабатига, истиқомат жойига ва бошқа вазиятларга қараб уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бирон-бир тарзда бевосита ёки бавосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки СССР территориясида шундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларининг ижтимоий турмушнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқий тенглигига ва тенг имкониятларига кафолат берилади.

2-модда. СССРдаги миллий-давлат тузилмалари миллий-давлат тузилмаларига номи қўйилган халқларга мансуб бўлган ва улардан ташқарида яшайдиган гражданларнинг миллий, маданий, маънавий ва тил эҳтиёжларини қондиришда кўмаклашадилар.

3-модда. Турли миллатлар ва миллий гуруҳ гражданларининг миллий талаб-эҳтиёжлари қондирилиши ўзлари биргаликда яшаб турган миллий бирликларнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига зиён етказмаслиги керак.

II БЎЛИМ
ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ГУРУҲ ГРАЖДАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ССР ИТТИФОҚИ, ИТТИФОҚДОШ ВА АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ФАРҚЛАШ АСОСЛАРИ

4-модда. Совет Социалистик Республикаларининг ихтиёрига:

миллий маъмурий-территориал бирликлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий негизларини белгилаб бериш;

иттифоқдош, автоном республикалар давлат идораларининг, СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг турли миллат ва миллий гуруҳ гражданлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишдаги ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириб бориш;

оз сонли халқлар ва миллий гуруҳларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш умумиттифоқ фондини вужудга келтириш топширилган.

5-модда. Иттифоқдош, автоном республика ихтиёрига:

республиканинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти масалаларини ҳал этишда турли миллат ва миллий гуруҳларга мансуб гражданларнинг эҳтиёжларини қондириш;

миллий маданиятни ривожлантириш, ота-оналарнинг ёки улар ўрнини олувчи кишиларнинг истагини эътиборга олиб, барча миллат болаларини мактабда она тилида ўқитиш учун шароит яратиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун миллий кадрлар тайёрлаш;

оз сонли халқлар ва миллий гуруҳлар доимий яшаб келган жойларда истиқомат муҳитини сақлаб қолиш, уларнинг касб-корини ва машғулотларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

оз сонли халқларни ва миллий гуруҳларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш республика фондларини тузиш топширилган.

Иттифоқдош, автоном республика турли миллат ва миллий гуруҳларга мансуб гражданларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал этади, ССР Иттифоқи ихтиёрига топширилган масалалар бундан мустаснодир.

Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи миллий гуруҳларнинг миллий маданий, маънавий ва тил эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мақсадида иттифоқдош ва автоном республикалар республикаларо битимларни тузишлари мумкин.

6-модда. Турли миллат ва гуруҳларга мансуб гражданларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамда ушбу Қонунда кўзда тутилган масалаларнинг ҳал этилиши автоном областлар ва автоном округлар вазифаларига ҳам тааллуқлидир.

III БЎЛИМ
МИЛЛИЙ МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ БИРЛИКЛАР

7-модда. Муайян жойдаги миллатнинг кўпчилигини ташкил этувчи ва СССР территориясида ўзининг миллий-давлат тузилмаларига эга бўлмаган миллий гуруҳлар тўп-тўп бўлиб яшаб турган жойларда гражданларнинг миллий маданий, маънавий ва тил талаб-эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш учун миллий маъмурий-территориал бирликлар (миллий районлар, миллий қўрғонлар ва миллий қишлоқ Советлари) тузилиши мумкин. Ушбу модданинг биринчи қисмида эслатилган жойларда яшаб турган аҳоли аксариятининг ихтиёрий равишда билдирган хоҳиши миллий маъмурий-территориал бирликлар тузиш учун асос бўлади. Миллий маъмурий-территориал бирликнинг чегаралари тўғрисидаги, шу бирликни тузиш масаласи юзасидан аҳолининг ўз хоҳишини изҳор қилиш муддатлари ва усуллари ҳақидаги қарор иттифоқдош, автоном республика Олий Совети томонидан қабул қилинади.

Миллий маъмурий-территориал бирликлар бошқа ҳолларда ҳам тегишли иттифоқдош, автоном республика билан келишиб тузилиши мумкин.

8-модда. Оз сонли халқлар доимий яшаб келаётган жойларда уларнинг миллий гуруҳлари аҳолининг кўпчилигини ташкил этмаган тақдирда ҳам миллий районлар, миллий қўрғонлар ва миллий қишлоқ Советлари тузилиши мумкин.

9-модда. Миллий маъмурий-территориал бирликларни тузиш ва тугатиш тартиби иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

10-модда. Миллий районларнинг халқ депутатлари Советлари, халқ депутатлари миллий қўрғон ва қишлоқ (овул, аил ва бошқа) Советлари маҳаллий аҳамиятга молик бўлган умумий масалаларни ҳал этиш билан бирга миллий гуруҳларнинг:

ижрочи ва бошқарувчи идоралардаги вакилликларини она тилидан эркин фойдаланишларини;

мактабгача тарбия муассасаларида миллий гуруҳлар, маориф муассасаларида миллий синфлар ва мактаблар тузишларини;

миллий маданият, анъана ва урф-одатларни ривожлантиришларини;

она тилида ахборот олишларини таъминлайди.

11-модда. Миллий районлар, миллий қўрғонлар ва миллий қишлоқ Советларининг ҳуқуқий мақоми, маданий тараққиёти, она тилидан фойдаланиш, доимий яшаб келаётган жойлардаги табиатдан фойдаланиши, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш масалалари юзасидан уларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларининг лойиҳалари олдиндан халқ депутатлари тегишли Советларининг муҳокамасига юборилади, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари қонун ҳужжатларини қабул этиш чоғида эътиборга олинади.

12-модда. Миллий районлар халқ депутатлари Советларининг, халқ депутатлари қўрғон ва қишлоқ (овул, қишлоқ, аил ва бошқа) Советларининг ташкил этилиши ва фаолияти, уларни бошқариш масалалари ушбу Қонун билан, ССР Иттифоқининг бошқа қонунлари билан, шунингдек, иттифоқдош, автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

IV БЎЛИМ
МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР, МИЛЛИЙ ЖАМИЯТЛАР ВА ЮРТДОШЛАР УЮШМАЛАРИ.

13-модда. Миллий маданиятни, анъаналарни, тилни, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга, СССРдаги миллий-давлат тузилмалари билан ва чет эллардаги қардош миллий давлатлар билан маданий алоқа ўрнатиш ва давом эттиришга кўмаклашиш мақсадида миллий маданий марказлар, миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмалари тузилиши мумкин. Миллий маданий марказларни, миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмаларини тузиш ҳамда уларни тугатиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари ушбу қонун билан, иттифоқдош, автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Халқ депутатлари Советлари миллий маданий марказларнинг, миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмаларининг фаолиятига кўмаклашадилар.

14-модда. Миллий маданий марказлар:

гражданларга ва миллий гуруҳларга миллий маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширадилар;

миллий маданиятни, тил ва анъаналарни ривожлантириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, тегишли халқ депутатлари Советига тақдим этадилар;

миллий маданият соҳасида, оммавий тадбирлар (кўриклар, фестиваллар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни) ўтказадилар;

миллий ўлкашуносликни ташкил этишга, миллий тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлашга, этнография ва ўлкашунослик музейларини барпо этишга кўмаклашадилар;

босма маҳсулот нашр этишлари мумкин.

15-модда. Миллий жамиятлар ва уюшмалар:

миллий клублар ва маданият уйларини барпо этадилар;

миллий тил ва санъат тўгараклари ҳамда студияларини ташкил қиладилар;

миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмалари аъзоларининг маданий ҳамда бошқа талаб-эҳтиёжларини қондирадилар.

16-модда. Миллий маданий марказлар, миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмалари:

халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари ҳузурида ўзларининг мухтор вакиллари бўлишига ҳақлидир. Гражданларнинг миллий манфаатларига дахлдор қарорларни қабул этиш чоғида уларнинг фикри эшитилади ва ҳисобга олинади;

СССРдаги ўзларига қардош миллий давлат тузилмалари билан алоқа ўрнатишга;

чет эллардаги маданий-маърифий ташкилотлар билан алоқа боғлаш ва уни ривожлантиришга ҳақлидир.

17-модда. Миллий маданий марказларнинг, миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун Иттифоқ, республика ва бошқа территориал уюшмалар тузилиши мумкин, бу уюшмалар Иттифоқ ва республика давлат идораларида тегишли миллий гуруҳларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қиладилар.

18-модда. Миллий маданий марказлар, миллий жамиятлар ва юртдошлар уюшмалари, Иттифоқ, республика ва бошқа территориал уюшмалар ҳуқуқий шахс ҳуқуқидан фойдаланадилар. Уларнинг мол-мулклари ва маблағлари миллий маданий, маънавий ва тил талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилади ва сарфланади.

V БЎЛИМ
СССР ГРАЖДАНЛАРИНИНГ ЭРКИН МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛОТЛАРИ

19-модда. Миллий мансублиги учун гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгилаб қўйилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшаб турган ёки СССР территориясида шундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданлари ушбу Қонунда белгиланган ўз ҳуқуқларини бузган давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракати хусусида судга шикоят қилишлари мумкин. Мазкур хатти-ҳаракатлар хусусидаги шикоятлар тегишли равишда автоном республиканинг Олий судида, ўлка, область, шаҳар судида, автоном республика судида, автоном округ судида ёки областларга бўлинмайдиган республикалардаги район (шаҳар) халқ судида кўриб чиқилади.

VI БЎЛИМ
ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20-модда. Ушбу Қонун асосида иттифоқдош ва автоном республикалар тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишлари мумкин. Бу ҳужжатлар СССР қонунларига, шунингдек СССРнинг халқаро шартномаларига зид бўлмаслиги керак.

21-модда. Башарти СССРнинг халқаро шартномасида ушбу Қонунда кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 апрель.

СССР Олий Советининг қарори

«ЎЗ МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ЯШОВЧИ ЁКИ СССР ТЕРРИТОРИЯСИДА ШУНДАЙ ТУЗИЛМАЛАРГА ЭГА БЎЛМАГАН СССР ГРАЖДАНЛАРИНИНГ ЭРКИН МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки СССР территориясида шундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисида»ги СССР Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларини «Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки СССР территориясида шундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 апрель.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИГА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонун асосларига (СССР Олий Советининг Ахборотномаси, 1969 йил, № 52, 466-модда; 1979 йил, № 25, 438-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

16-модданинг биринчи қисмидаги «Касалликлар тўғрисидаги маълумотлар» сўзларидан кейин «тиббий кўрик» (текшириш) сўзлари билан тўлдирилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 апрель.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СПИД билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида

1-модда. СССР гражданларининг, шунингдек СССР территориясида яшаётган ёки турган чет эл гражданларининг ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг инсоннинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юққанлигини (СПИД билан касалланганлигини) тиббий кўрикдан, шу жумладан исми-шарифини айтмай, текширувдан ўтиш ҳуқуқи таъминланади. Соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасалари текширилувчи учун ҳам, табобат ходимлари учун ҳам шундай текширишнинг хавфсизлигини таъминлашга мажбурдирлар.

2-модда. Ушбу Қонунда белгиланган тартибда текширувдан ўтган шахслар одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юққанлиги (СПИД билан касалланганлиги) тўғрисида маълумот олинган тақдирда соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасалари томонидан ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш чораларига риоя этиш зарурлиги ҳамда бошқа шахсга вирус юқтириш хавфини атайлаб келтириб чиқарганлик ва юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида ёзма тарзда огоҳлантирилади.

3-модда. СССР гражданлари, шунингдек СССР территориясида яшаётган ёки турган чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахслар, башарти мазкур шахслар одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юққан, деб тахмин қилиш учун етарли асослар бўлган тақдирда, соғлиқни сақлаш идоралари ёки муассасаларининг қарорига биноан тиббий текширувдан ўтишга мажбурдирлар.

Вирус юққанлиги аниқланган тақдирда мазкур шахслар касалликнинг олдини олиш мақсадида кузатиб борилиши лозим.

Текширувдан ўтказиш ва касалланишнинг олдини олиш мақсадидаги кузатиш қоидалари СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ белгиланади ҳамда матбуотда эълон қилиниши ва танишиш учун ошкора бўлиши керак.

4-модда. Соғлиқни сақлаш идоралари ёки муассасалари томонидан тиббий текширишдан ўтказиш ёки касалланишнинг олдини олиш мақсадида кузатиш тўғрисида қарор қабул қилинган шахслар уларнинг ёзма чақирувига биноан соғлиқни сақлаш идоралари ёки муассасаларига келишга мажбурдирлар.

СССР гражданлари, шунингдек СССР территориясида доимо яшайдиган гражданлиги бўлмаган шахслар текширувдан ўтиш ёки касалланишнинг олдини олиш мақсадида кузатиш учун узрли сабабсиз келмаганлари тақдирда прокурорнинг ижозати билан соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари томонидан, зарурат бўлган ҳолларда мазкур гражданлар яшаётган ёки турган жойдаги милиция идораларининг кўмаги билан мазкур муассасаларга келтирилади.

Текширилувчи киши соғлиқни сақлаш идоралари ёки муассасаларининг қарорига рози бўлмаган тақдирда у юқори соғлиқни сақлаш идорасига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

5-модда. Чет эл гражданлари ёки гражданлиги бўлмаган шахслар текширувдан ўтишдан ёки касалланишнинг олдини олиш мақсадида кузатишдан бўйин товлаган тақдирда «СССРдаги чет эл гражданларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги 1981 йил 24 июнда қабул қилинган СССР Қонунининг 31-моддаси биринчи қисми иккинчи бандига мувофиқ СССРдан чиқариб юборилиши мумкин.

СССР территориясида дипломатия имтиёзлари ва иммунитетларидан фойдаланувчи чет эл дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг дипломатия ходимлари ҳамда бошқа шахслар уларнинг розилиги билангина одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юққанлиги ёки юқмаганлиги (СПИД билан касалланганлиги) хусусида текширувдан ўтказилиши мумкин. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги шундай шахсларга текширувдан ўтишни таклиф қилишдан аввал буни СССР Ташқи ишлар министрлиги билан келишиб олади.

6-модда. Ўзида СПИД касаллиги борлигини билган шахс томонидан бошқа шахсни атайлаб касалланиш хавфи остига қўйиши ёки одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси (СПИД билан касалланганлиги) тўғрисида тиббий текширишдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлардан ва унинг натижаларидан хабардор бўлган табобат ходимлари ва бошқа шахслар бу маълумотларни сир тутишга мажбурдирлар.

8-модда. СССР гражданлари ва СССР территориясида доимий яшовчи гражданлиги бўлмаган шахслар одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юққан (СПИД билан касалланган) тақдирда, тиббий ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Уларнинг даволаниш жойига бепул бориши ва қайтиб келиши, шунингдек амбулатория шароитида даволаниш учун текин дори олиши таъминланади. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар кичик ёшли (14 ёшгача) бўлган болалар билан стационарларда бирга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар, улар даволаниш муддатида ишдан озод этилади ва бунинг учун иш жойидан меҳнат фаолиятини вақтинча йўқотганлик нафақаси тўланади.

Одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юққан ёки СПИД билан касалланган шахслар учун ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида бошқа имтиёзлар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Бундай шахслар фақат вирус ташувчилар бўлганликлари ёки СПИД билан касалланганликлари асосида уларнинг ишдан бўшатилишига, ишга қабул этишдан, даволаш муассасаларига ва ўқув юртларига қабул қилишдан, болаларни мактабгача тарбия муассасаларига қабул қилишдан бош тортишга, шунингдек бошқа ҳуқуқларни камситишга ва бундай шахсларнинг қонуний манфаатларини чеклашга ҳам, шунингдек вирус юққан киши ота-оналарининг ва ёру биродарларининг уй-жой ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари камситилишига ҳам йўл қўйилмайди.

9-модда. Табобат ишларини бажариш натижасида вирус юққан СССР гражданлари учун ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда пенсия таъминоти белгиланади.

10-модда. Табобат ва доришунослик ходимларининг хизмат вазифасини ўташ чоғида одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш вируси юқиши касб касалликлари жумласига киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 апрель.

СССР Олий Советининг қарори

«СПИД БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

«СПИД билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Министрлар Советига СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари раҳбарлик қилувчи СССРда СПИД билан касалланишга қарши кураш ҳукумат комиссиясини тузиб, унинг зиммасига СССРда СПИД билан касалланишга қарши кураш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифасини юклаш топширилсин.

2. Ҳукумат комиссияси 1990 йилда СССРда СПИД билан касалланишга қарши курашга доир давлат программасини ишлаб чиқсин, унда биринчи навбатда илмий-тадқиқот ишларининг моддий-техника таъминоти, бу ишларни пул билан таъминлаш, аҳолини билимлардан хабардор қилиш ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш масалаларини кўзда тутсин.

3. СССР Министрлар Совети одамнинг касалликка қарши кураш қобилиятини йўқотиш вируси юқиши (СПИД билан касалланиши)нинг олдини олиш ва унинг тарқалишини чеклашга қаратилган халқаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

4. Ушбу Қонуннинг амал қилишини ҳамда гражданларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш учун иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига табобат ва доришунослик ходими ўз касб мажбуриятларини тегишлича бажармаганлиги, шунингдек врачлик сирини ошкор этганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаб қўйиш тавсия этилсин.

5. СССР Олий Совети Президиумининг 1987 йил 25 августда қабул қилган «СПИД вируси юқишининг олдини олиш чоралари тўғрисида»ги Фармони (СССР Олий Совети Ахборотномаси, 1987 йил, № 34, 560-модда)нинг кириш қисми ва 1-, 4 ва 5-моддалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. СССР Министрлар Советига уч ой муддат ичида одамнинг касалликка қарши кураш қобилиятини йўқотиш вируси юққан шахсларнинг ёки СПИД касалига учраганларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш топширилсин.

7. Оммавий ахборот воситалари болалар ва ўсмирларни ахлоқий тарбиялаш ишидаги масъулиятни кучайтирсин.

8. Ушбу Қонун 1991 йил 1 январдан кучга киритилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 апрель.

● АКС-САДО

«КОН ИЗЛОВЧИ ГУРУҲ»МИ, ЁКИ...

Газетамизнинг шу йил 18 январь сонида филология фанлари номзоди Ҳ. Абдуллаевнинг «Ҳам ўзбекча, ҳам русча» мақоласи чоп этилган эди. Редакция ана шу мақола юзасидан уч юзга яқин муштарийдан мактуб олди.

«Мен тилчи эмасман. Лекин ўзбек тилида ишлатилиб келинган ва кейинги даврларда унутиб юборилган сўзлар яна тилимизга кириб келаётир. Тилимизни бойитиб, гўзаллаштириб бораётир. М. Мамажонов, иқтисод фанлари доктори, Тошкент».

«Асрлар давомида авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз, онажону бувижонларимиз сўзлашиб келган, лекин кейинги вақтларда аста-секин йўқолиб бораётган ўз она тилларини газета саҳифаларида тиклашга ҳаракат қилаётган асл инсонларнинг машаққатли меҳнатларини муаллиф қандайдир «кон изловчи гуруҳлар» деб баҳоласа... Э. Раҳимов, иқтисодчи, Тошкент».

«Энг асосийси йиғилиш ва мажлисларда ўз она тилимизда фикримизни бемалол баён эта оладиган бўлдик. М. АДИЗОВА, Конимех».

«Чорпоя ўрнига каравот, сархум ўрнига кружка, ўнбоши ўрнига бригадир, миршаб ўрнига милиция, ойнаи жаҳон ўрнига телевизор каби ажойиб сўзлар кириб келди. Бунинг нимаси ёмон... Н. АБДУНАЗАРОВ, Пастдарғом, пенсионер».

«Республика, район, процент... ва ҳоказо сўзлар ўзбек -халқининг ўз она тилидаги сўзлари бўлиб кетди-ку? Энди буни териб ташлаб бўлармикин? Йўқ! Бундай бўлмаслиги керак! С. ҚУРБОНОВА, Фарғона».

Мактублар, мактублар. Уларда шу куннинг муаммолари — ўзбек тилидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари қаламга олинган. Тошкентлик Нурматовлар оиласи, О. Туронов, М. Нуриддинов, М. Халилова, Н. Ғиёсов, Т. Ғиёсов, С. Юнусов, сирдарёлик У. Маматов, наманганлик Б. Ҳасанов, Хоразмдан З. Иброҳимов, Андижондан И. Нурматов, К. Умаров, Т. Солиев, Ш. Шаропов, К. Эркинов, фарғоналик М. Убайдуллаев, М. Аҳмаджонов, Бухородан Қ. Қиёмов, С. Усмонов, Сурхондарёдан А. Холиёров, Самарқанддан Н. Бердиев ва бошқалар ўз мактубларида «Ҳам ўзбекча, ҳам русча» мақоласи муаллифи ўртага қўйган муаммолар билан келиша олмаслигини рўй-рост таъкидлаганлар.

Кейинги пайтда «Атамалар бурчаги» ташкил этилиши муносабати билан мактублар оқими янада кўпайди. Турли касбдаги муштарийлар ўз соҳаларидаги атамаларни таклиф этиб, шу билан тилимизни бойитишга ҳисса қўшмоқдалар. **«Турли-туман сўзларни ва атамаларни қўллаш жараёнида тил бойиб боради ва ниҳоят икки-уч йил ичида янги луғатлар пайдо бўлишига ишонаман»,** деб ёзади ТошПИ профессори П. Мансуров. Ўшлик созловчи Ж. Исроилов **«икра»** ўрнига **«пушт»** сўзини қўллашни истайди. Чустлик А. Музаффаров **«Атамалар бурчаги»**ни **«Атамалар синамаси»** дейишга ва **«стадион»**ни **«ўйингоҳ»** эмас, **«сайхон»** деб қўллашга ундайди. Х. Муҳсимов, К. Чўллиев, А. Турсунов, С. Ҳалимов, Р. Радимова, М. Исмоилов, Б. Чориев, Х. Мардонақулов, А. Беркамов, Ю. Аҳмад, А. Раҳматов, Э. Қурбонов, С. Ҳамроев, Ў. Орипова, Д. Камолов, Ғ. Эрназаров, С. Ҳайриддинов, Н. Норчаев, З. Жуманов, Т. Саримсоқов, С. Мирзаалиев, Ў. Холбоева, Б. Усмонов ва бошқалар қизиқарли таклифларни йўллаган лар. Айрим муштарийлар вақтли матбуотда ҳамон икки хиллилик давом этаётганлиги, давлат тилини қўллашда сансалорлик бўлаётганлигини танқид қиладилар. Пахтакорлик Х. Эгамбердиевнинг куюниб ёзишича, **«режа» ўрнига «план» сўзи, «ижтимоий» ўрнига «социал» иборасини қўллашимиз ўзбек тили ва бу тил орқали ўзбек миллати шанига қора доғ-ку, ахир!».**

Ўтган йили Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонуни кучга кирди. Қонунга мувофиқ жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Шу билан бирга рус ва бошқа миллий тилларни ривожлантиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Лекин, афсусланарли томони шундаки, ҳозиргача вилоятимизда бу қонунга амал қилинмаётир. Биз бу ташвишли хабарларни муштарийлар мактубидан олдик. Ҳақиқатан ҳам Э. Сувонов, М. Яҳёев, М. Магрипов, Н. Йўлдошева, Т. Дадажонов, Ш. Норматов, Р. Азизов, Х. Абдуқаюмов, А. Шомирзаев, Р. Мирзаалиев, С. Алимов, Б. Эшмонова, Я. Кўжахов, М. Бигашев, Д. Жумаев, Ғ. Муҳамедов, Т. Ашурова, И. Умаров, Т. Аюбов, К. Расулов, Э. Зиёпов, А. Йўлдошев, Н. Валиев, С. Назарова, С. Йўлчиев, М. Отабоев, М. Шарипхўжаев, М. Юнусов, А. Муталов, Х. Абдуллаев, С. Раҳматов, Ф. Асомиддинов ва бошқаларнинг таклиф-мулоҳазалари ўринли.

Албатта, ўзбек тилининг топилаётган янги атамаларига қарши чиқаётган мактуб эгалари ҳам бор. Жумладан, хазорасплик Х. Абдолов айрим атамалар — **рўзнома, нона, қопчиқ, ҳужжатгоҳ** ва бошқаларнинг ишлатилишига қаршилик билдирган. Самарқандлик Р. Мухторов эса **«жумҳурият», «вилоят»** сўзларининг қайта қўлланишидан норози, тошкентлик А. Абдухолиқов қабул қилинаётган қарорлар бажарилмаётганини куюниб ёзади, бекободлик 43 нафар ўқитувчи имзо чеккан мактубда эса рус тилида дарслар камайтирилмаслиги баён қилинган.

● *Саломатлик—туман бойлик*

ИХЛОС

Донолар дебдиларки, «Ширин калом ҳар қандай доридан ўткирроқдир». Ёки мана бундай гап ҳам бор: «Ёмон рассом, ёмон ёзувчи бўлиш мумкин, бироқ ёмон врач бўлиш жиноят». Нега ёмон врач бўлиш жиноят! Ёмон рассом нари борса ўз ҳуқувсиз сурати билан томошабинни бепарво қолдиради, ёмон ёзувчи ўқувчисида зарур ҳиссиёт уйғотолмайди. Лекин ёмон врачдан асрасин! Бундай тақдирда, биласизми, инсон жонига шикаст етади.

Даволовчи мутахассисга бунчалик талаб бежиз эмас, албатта. Негаки, бемор врачга нажот истаб келади. Дарддан фориғ бўлиш ниятида унга мурожаат қилади. Дардмандни дастлабки даволаш у врачга учрашган илк дақиқадан бошланади. Мутахассиснинг биринчи сўзи-ю муомаласи масалани ҳал этади — беморда тузалишга умид уйғонади ёки врачдан ихлоси қайтади.

— Ихлоссиз беморга ҳарчанд даволаш кор қилмайди, унча-мунча дори эм бўлавермайди, — дейди пансионат бош врачи Мадаминжон Аҳмедов қўлидаги қалин дафтарни аста варақларкан. — Бемор ҳурматини қозониш эса мутахассисдан маҳорат, тажриба, синчковлик, алоҳида эътибор талаб этади.

Нажот истаб келганларнинг фикри қалай? Бу ҳақда бош врач қўлидаги дафтарда ҳар беморнинг ўз қўли билан битилган ёзувлар анча кенг маълумот беради. Мана, улардан айрим қайдлар:

— Пансионатга касал ҳолда келгандим. Даволаш ва дам олишга қабул қилмасалар керак, деб жуда ҳаяжонлангандим. Бироқ 10—29 апрель мен учун қувонч келтирди. Медицина ходимларининг инсоний ғамхўрликлари туфайли саломатлигим яхшилана борди. Муайян вақт ўтиб бутунлай соғайиб кетишимга кўзим етди (М. Долгова, транспортчи).

— Даволанувчи-дам олувчиларга сидқидилдан хизмат кўрсатганлари, ширин сўзлари билан дардимизга малҳам бўлганликлари учун пансионат ходимларига миннатдорчилик изҳор этаман. Бу ердаги тозалик, тартиб, муолажа усуллари кайфиятимни кўтариб саломатлигимни тиклаб олишимга имкон берди (К. Тешабоев, Когон, уруш ва меҳнат ветерани).

— Бетоб келиб, соғлом қайтяпмиз. Биз жуда яхши даволаниб, ҳордиқ чиқардик. Бизни даволашда — ваннага туширишда медицина ҳамшираси Аҳмедова, физиотерапия кабинети ҳамшираси Одилжон астойдил меҳнат қилганини ҳис этдик. Ошхона ходимлари хушмуомала, чаққон, зийрак. Кишининг кўнглини кўтариш шунчалар бўлар. Пансионат маъмуриятидан юқорида номи айтилган ходимларга «беш минутлик» йиғилишда бизнинг миннатдорчилигимизни етказиб қўйишни сўраймиз (Андижон проводниклар резерви поезд бошлиғи С. Содиқов, проводниклар М. Ашуров, А. Самиев).

Бундай дил сўзлари кўп. Уларнинг бирида Чимён сувининг шифобахшлиги таъкидланса, яна бирида медицина ходимларининг ишга муносабати кўрсатилади. Бошқаларида эса бу ерда даволашнинг кўпдан-кўп турлари — даволаш жисмоний тарбияси, гинекологик муолажалар, шағам ёрдамида даволаш, стоматология хизматидан мамнунлик билдирилган.

Ҳақиқатан ҳам пансионат неча ўн йиллар мобайнида Ўрта Осиё темир йўли ходимларига хизмат кўрсатиб келяпти. Бу давр ичида юрак-қон томир касалликлари, асаб системаси беморлиги, ҳаракат ва таянч органларни ҳасталиги, тери, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган минглаб кишилар шифо топдилар.

— Сирасини айтганда, — дейди пансионат бош врачи Мадаминжон Аҳмедов, — пансионатга келганларнинг соғайиб кетиши, хуш кайфияти, келгуси йил яна келиш истаги медицина ходимларимиз ғайратига ғайрат қўшади. Биз уларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб, кўпинча ўз даволаш усулларимизни такомиллаштириб борамиз.

Даволашни такомиллаштириб бориш билан бирга дам олишни кўнгилли уюштиришга ҳам кўпроқ эътибор беряпмиз. Ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлган садоқатли ходимларимиз врач Л. Губина, массажчи И. Собиров, электр ёрдамида даволовчи З. Алломова, даволаш жисмоний тарбияси кабинети мудираси П. Сокольникова, шағам билан муолажа қилувчи мутахассис Д. Ҳасанова, минерал сув ваннаси медицина ҳамшираси Ҳ. Аҳмедова, кардиограф О. Турғунов, маданий-оммавий ишлар ташкилотчиси Р. Собиров хизматидан кўпчилик ҳурсанд.

«Ихлос—халос» деганлари рост. Пансионатга йўлланма билан келганлар бу ердаги медицина ходимларининг дардга малҳам сўзларидан, малакали муолажаларидан баҳра олиб саломатликларини тезда тиклаб, дарддан халос бўлиб, яхши кайфият билан ишхоналарига бормоқдалар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.
Фарғона область, Чимён посёлкаси.

Суратларда: (юқорида) 1. Бош врач ўринбосари Лида Губина (ўртада) даво истаб келганларга маслаҳат бераётган пайт. У Фарғона шеваси да ўзбекчалаб сўзлаётгандаёқ дардан халос бўла бошлайсиз, десак лоф эмас. 2. Медицина ҳамшираси Ҳидоятхон Аҳмедова ваннада минерал сув қабул қилиш тартиб-қоидаларини тушунтиряпти. 3. Дилором Шукурованн шағам (парафин) билан даволаш устаси дейишади.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратлари.

СССР Прокуратурасида

СССР халқ депутатлари Т. Х. Гдлян билан Н. В. Иванов прокуратурасининг огоҳлантиришига ва СССР Олий Советининг шу йил 18 апрелдаги қарори билан огоҳлантирилишига қарамай, сўнгги вақтда бир қанча сиёсат ва давлат арбобларига нисбатан, хусусан СССР Президентига қарши бўхтон кампаниясини кучайтириб юборди лар.

Улар турли митингларда ва ахборот воситаларида далилисботсиз, очиқдан-очиқ ифвогарлик мақсадларини кўзлаб, М. С. Горбачевни ғаразли сунистеъмолларга ва мафияга ҳомийлик қилишга шерик, деган гапларни айтмоқдалар. Улар ўзларининг уйдирмалари ҳақиқатга ўхшаб кўриниши учун афсонавий «Шимолий Кавказ» ишига дахлдор бўлган қандайдир кишиларнинг номаълум кўрсатмаларини теш қилмоқдалар.

Ана шу хавфли сиёсий найрангбозликка уларнинг айрим маслакдошлари ҳам қўшилдилар, уларнинг орасида ўз депутатлик мандатини Гдлян сайланган округдан олган РСФСР халқ депутати Т. И. Корягина алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Гдлян билан Иванов прокурор-тергов идораларининг тарқатилаётган маълумотларнинг аниқ манбаларини кўрсатиш тўғрисидаги таклифларига қарамай, бундай манбаларни келтирмаётганликлари, сафсатабозликдан иборат умумий мулоҳазалар билан қутулишга уринаётганликлари, Корягина эса Гдлянниг қурук гапларини теш қилаётгани тўғрисида хабар қилишни СССР прокуратураси ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

СССР прокуратураси прокуратура, Ички ишлар министрлиги, Давлат хавфсизлиги комитети идораларида олиб борилаётган ишларни ҳар томонлама ва пухта текшириб чиққандан кейин бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, шуни айтадики, уларнинг бирортасида ҳам СССР Президентига доғ туширувчи ҳеч қандай ахборотлар ва маълумотлар йўқ.

Шунга қарамай, Гдлян, Иванов, шунингдек, Корягина СССР Олий Совети қарорини ва прокуратура идораларининг огоҳлантиришини намойишкорона назар-писанд қилмай, мамлакатдаги вазиятни беқарор қилиш мақсадида давлат бошлиғига нисбатан уйдирмалар тўқиб чиқаришни зўр бериб давом эттирмоқдалар. Бунда улар ошкоралик ва депутат дахлсизлигини очиқдан-очиқ суиистеъмол қилмоқдалар. Гдлян, Иванов ва Корягинанинг мазкур ёвуз ниятли ҳатти-ҳаракатлари ахлоқ-одоб нормаларига ва халқ депутати мақомига тўғри келмайдигина эмас, айни пайтда қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши керак, СССР прокуратураси бу ҳақда СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советига маълум қилишни зарур деб ҳисоблайди. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қонунда кўзда тутилган чораларни кўрмоқдалар.

● БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

● «Қизил равот» давлат хўжалигида пишлоқ цехи ишга туширилди. Бу объектни муддатидан олдин фойдаланишга топширишди. Ўйчи матлубот жамиятнинг Олимжон Ризаев бошлиқ бригада қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Бунёдкорлар 120 минг сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

— Цех иш бошлагани районимиз, қолаверса, областимиз меҳнатчиларини ҳам қувонтириб юборди, — дейди район матлубот жамияти правлениеси раиси З. Тўраев. — Вилоятимизда ягона бўлган бу цех етарли дастгоҳлар билан жиҳозланган. Етти нафар ишчи Андижон сут заводига қарашли пишлоқ цехида ўз малакасини ошириб қайтдилар. Цех дастлабки кунларда 500—600 килограммдан маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда бу кўрсаткични 1-1,5 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Роҳилахон Қодирова, Муҳаббат Қозоқова, Рустамжон Бобожонов сингари операторлар маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Пишлоқ цехи коллективи бу йил истеъмолчиларга 300 тонна маҳсулот етказиб беришни режалаштирган.

М. ҚОДИРОВ, Ўйчи.

БУЮРТМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

● Бўзлик нурчилар қишлоқ аҳолисига икки миллион 332 минг киловатт-соат электр энергия етказиб бермоқда. Айниқса, жойларда электр линиясига тегиб қолган дов-дарахтларнинг кесилиши, эскириб кетган пўлат симларнинг алюмин симларига алмаштирилиши ҳисобига электр энергиясининг тармоқларда йўқолиши 0,3 фоизга камайтирилди.

Маълумки, ўтган йили аҳолидан электр линияларни янгилаб бериш юзасидан кўплаб буюртмалар тушганди. Эндиликда ўша буюртмаларнинг аксарияти бажарилди. Карл Маркс номли хўжаликнинг иккинчи бригадаси, «Ленинчи» хўжалигининг Охунбобоев маҳалласига нур берадиган линиялар юз фоиз янгиланди.

Х. РУСТАМОВ, Андижон.

* * *

● Редакциямизга келаётган хат-хабарларда жумҳуриятимиз шаҳар-қишлоқларида юз бераётган турли янгиликлар ўз ифодасини топган. Чуночи, Шаҳрихондан В. Парпиев, Сариосиёдан М. Мелиқулов, ленинскилик Р. Ҳакимов билан М. Шоназаров, Андижон вилоятидан Г. Топиболдиева, Ш. Тўхтанов, К. Ҳайдаров, М. Тўхтаназаров, ҚҚАССРдан Ю. Адайбаев, чустлик Ш. Раҳмонқулов, сирдарёлик Э. Сувонов билан А. Алпомишев, бағдодлик Н. Аҳмедов, Бухоро вилоятидан Н. Омонова билан Х. Тожиев, Москвадан Р. Байрашев, ниёзлик Д. Еремян, Наманганда Ф. Косимов, Р. Қурбонов, Т. Мамажонов ва бошқалар ҳам ана шундай хат-хабарлар йўллашган.

ФУТБОЛ

Ўринларда ўзгариш

Биринчи лига коллективлари ўйиндан-ўйинга мавқеларини мустаҳкамлаб, кучлилар сафидан жой олишга ҳаракат қилишмоқда. Мақсад олий лигага чиқишга имкон берадиган кучли тўрт коллектив орасидан жой олиб, мухлисларда умидворлик уйғотиш. Маълумки, «Металлург» футболчилари ягона пешқадам бўлиб туришган эди. Улар навбатдаги учрашувни «Геолог» майдонида ўтказиб (0:0), 11 очко тўплашди. «Шинник» коллективи эса ўз майдонида «Нистру» футболчиларидан устун (4:1) келиб, шунча очко билан биринчи бўлиб олишди. «Геолог» 10 очко билан учинчи ўринга тушди. Қайратчилар бу сафар Ставрополь динамочиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тўртинчи бўлиб олишди.

Пахтакорчилар ҳам бу сафар мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилишди. 14-минутда Игорь Шквирин ўзининг еттинчи тўпини дарвозга аниқ йўллаб, ҳисобни очди. Лекин танаффусга чиқиш олдидан меҳмонлар қулай имконияти дан фойдаланиб, жавоб тўпи киритишди. Ўйин тугашига 6 минут қолганда пахтакорчи А. Пятницкий тўп киритиб, пахтакорчиларга ғалаба келтирди. Ҳозир «Пахтакор» 9-очко билан еттинчи бўлиб турибди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 13 майда чиқади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, физика, информатика ва ҳисоблаш техникаси; география (қўшимча биология); тарих; меҳнат; музика; чизмачилик ва тасвирий санъат (қўшимча меҳнат); педагогика ва психология (мактабгача); педагогика ва психология (мактабгача қўшимча чет тили); педагогика ва бошланғич таълим методикаси; дефектология; педагогика ва тарбия ишлари методикаси.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: математика (қўшимча физика); физика (қўшимча астрономия); химия (қўшимча биология); биология (қўшимча қишлоқ хўжалик асослари); педагогика ва бошланғич таълим методикаси (ўрта махсус педагогика билим юртларини битирганлар учун); педагогика ва психология (мактабгача ўрта махсус педагогика билим юртларини тугатганлар учун); ўзбек тили ва адабиёти; рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти.

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: меҳнат ва техник ижодиёт; рус тили ва адабиёти; миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти (қўшимча қрим татар тили ва адабиёти); рус тили ва адабиёти (қўшимча корейс тили ва адабиёти).

ЎҚИШ ҚОЗОҚ ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси; қозоқ тили ва адабиёти; педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: педагогика ва бошланғич таълим методикаси; педагогика ва психология (мактабгача).

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти; тарих.

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ; рус тили ва адабиёти.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: биология; география; физика; чизмачилик ва тасвирий санъат; меҳнат; тарих; педагогика ва бошланғич таълим методикаси; педагогика ва психология (мактабгача); музика.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: математика; химия; ўзбек тили ва адабиёти; рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти; дефектология.

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: рус тили ва адабиёти.

ЎҚИШ ҚОЗОҚ ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ: қозоқ тили ва адабиёти; педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга «математика», «тарих», «ўзбек тили ва адабиёти», «рус тили ва адабиёти», «рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти», «музика», «чизмачилик ва тасвирий санъат» ихтисосликларидан бошқа мутахассисликларига кирувчилар танлаган ихтисослик соҳасида ишлаб турган бўлишлари шарт.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси — математика (ёзма), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

математика (қўшимча физика) — физика (оғзаки), математика (ёзма), она тили ва адабиёт (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

физика, физика (қўшимча астрономия) — физика (оғзаки), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

химия, химия (қўшимча биология) — химия (оғзаки), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо);

география, география (қўшимча биология) — география (оғзаки), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо);

тарих — СССР тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), жамиятшунослик (оғзаки);

меҳнат, меҳнат (қўшимча техник ижодиёт) — физика (оғзаки), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

музика — мутахассислик бўйича имтиҳон, СССР тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

чизмачилик ва тасвирий санъат, чизмачилик ва тасвирий санъат (қўшимча меҳнат) — расм, ранг тасвири, чизмачилик она тили ва адабиёти (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

педагогика ва психология (мактабгача) — биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма ва оғзаки);

педагогика ва психология (мактабгача қўшимча чет тили) — биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма ва оғзаки), чет тили (оғзаки) — конкурссиз имтиҳон;

педагогика ва бошланғич таълим методикаси — она тили ва адабиёти (ёзма), она тили ва адабиёти (оғзаки), математика (оғзаки);

дефектология — биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма), СССР тарихи (оғзаки);

биология, биология (қўшимча қишлоқ хўжалик асослари), биология (оғзаки), химия (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо) — конкурссиз имтиҳон;

ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти — она тили ва адабиёти (ёзма), она тили ва адабиёти (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки) — конкурссиз имтиҳон;

рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти — она тили ва адабиёти (ёзма), она тили ва адабиёти (оғзаки), рус тили (оғзаки), — конкурссиз имтиҳон;

рус тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти — рус тили ва адабиёти (ёзма), рус тили ва адабиёти (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки) — конкурссиз имтиҳон;

рус тили ва адабиёти (қўшимча қрим татар тили ва адабиёти) — рус тили ва адабиёти (ёзма), рус тили ва адабиёти (оғзаки), қрим татар тили ва адабиёти (оғзаки);

рус тили ва адабиёти (қўшимча корейс тили) — рус тили ва адабиёти (ёзма), рус тили ва адабиёти (оғзаки), корейс тили ва адабиёти (оғзаки) — конкурссиз имтиҳон.

Конкурссиз имтиҳон — «ҚОНИҚАРЛИ» ёки «ҚОНИҚАРСИЗ» деб баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ҳунар техника билим юрти ҳамда ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар битта имтиҳон — рўйҳатда биринчи кўрсатилган имтиҳонни топширадилар, ушбу имтиҳондан «5» баҳо олган абитуриентлар кейинги имтиҳонларни топширишдан озод қилинадилар, «4» ёки «3» баҳо олганлар қолганларини ҳам топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишда бу имтиёздан биринчи навбатда ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар фойдаланадилар.

Кечки ва сиртқи бўлимлар танланган мутахассисликларига мос педагогик ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, мутахассислиги бўйича камида бир йил ишлаб турганлар (педагогика ва бошланғич таълим методикаси», «педагогика ва психология (мактабгача)», «чизмачилик ва тасвирий санъат» ва «музика» мутахассисликларига кириш имтиҳонларисиз суҳбат орқали қабул қилинади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР 25 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 16 июлдан 31 июлгача.

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР 11 МАЙДАН 10 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари — 11 июндан 25 июнгача.

СУҲБАТЛАР 4 ИЮНДАН.

Олий ўқув юртига кирувчилар ариза билан бирга ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлган шахслар учун), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кундузги бўлимнинг «меҳнат», «меҳнат (қўшимча техник ижодиёт) ихтисослиги бўйича ҳужжатлар ва кириш имтиҳонлари Тошкент вилояти Янгийўл ноҳиясининг Халқобод посёлкасида (аввалги педагогика билим юрти биносида) қабул қилинади ва имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, институтга қабул қилинганлар ўша ернинг ўзида ўқишни давом эттирадилар.

Институт қўнимгоҳи: 700100, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3-уй, ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА САЙЛАНИШ МУДДАТИ ТУГАГАН БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ВА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: топологик анатомия билан оператив жарроҳлик, биринчи даволаш факультетининг умумий жарроҳлик, биология;

профессорлар: 3-ички касалликлар (2), рентгенология ва радиология, санитария-гигиена факультетининг нормал анатомия, биринчи даволаш факультетининг жарроҳлик касалликлари, иккинчи даволаш факультетининг нормал анатомия (0,5);

доцентлар: тропик табобат курси билан юқумли касалликлар (2), биринчи даволаш факультетининг қулоқ-томоқ-бурун касалликлари, суд табобати, коммунал гигиена, овқатланиш гигиенаси, гистология, 2-сил касаллиги, 3-ички касалликлар, иккинчи даволаш факультетининг акушерлик-гинекология, 1-терапевтик стоматология, ортопедик стоматология, ортопедия билан травматология, умумий ва биоорганик кимё, 4-ички касалликлар, эпидемиология, биология, ҳозирги замон социализм назарияси муаммолари;

катта ўқитувчилар: фалсафа, XX аср ижтимоий-сиёсий тарихи, ҳозирги замон социализм назарияси муаммолари, тиббий биофизика (2), чет эллик талабалар учун рус тили, овқатланиш гигиенаси, нормал физиология, жисмоний тарбия (2), тайёрлов бўлимининг биология шўъбаси, соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан ижтимоий гигиена, тайёрлов бўлимининг рус тили шўъбаси, тайёрлов бўлимининг ўзбек тили шўъбаси, болалар юқумли касалликлари;

ассистентлар: патофизиология (2), топологик анатомия билан оператив жарроҳлик (4), биохимия (2), тропик табобат курси билан юқумли касалликлар (4), нейрохирургия билан ҳарбий-дала жарроҳлиги (2), қулоқ-томоқ-бурун касалликлари, суд табобати, умумий жарроҳлик (2), биринчи даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси (2), биринчи даволаш факультетининг жарроҳлик касалликлари, 1-ички касалликлар (2), 1-акушерлик-гинекология, асаб касалликлари (2), санитария-гигиена факультетининг биология (2), микробиология, касб патологияси (4), соғлиқни сақлашни ташкил қилиш билан ижтимоий гигиена (2), ортопедия билан травматология, санитария-гигиена факультетининг жарроҳлик касалликлари, санитария-гигиена факультетининг ички касалликлари (2), санитария-гигиена факультетининг болалар касалликлари (2), эпидемиология, коммунал гигиена (3), меҳнат гигиенаси, иккинчи даволаш факультетининг нормал анатомия (1,5), рентгенология (2), клиник фармакология (2), ички касалликлар пропедевтикаси (4), 2-жарроҳлик касалликлари битирувчилар кафедраси, 4-ички касалликлар, умумий биоорганик кимё (2), стоматология факультетининг ички касалликлар, 1-терапевтик стоматология, 2-терапевтик стоматология (2), нормал физиология (2), физиотерапия билан даволаш физкультураси ва шифокор назорати, қулоқ-томоқ-бурун касалликлари (2), болалик ёшидагилар стоматологияси, психиатрия (4), 1-жарроҳлик стоматологияси (2), қулоқ-томоқ-бурун касалликлари;

ўқитувчилар: XX асрнинг ижтимоий сиёсий тарихи (2), тиббий биофизика (2), рус тили (5), тайёрлов бўлимининг физика шўъбаси, тайёрлов бўлимининг кимё шўъбаси, биология шўъбаси, ўзбек тили шўъбаси (2), чет тиллар, ўзбек тили курси (2).

КОНКУРС МУДДАТИ — 26 МАЙГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700048, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефон 67-74-97.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

И. Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори вакант лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда илмий-педагогик тажрибага эга, 65 ёшгача бўлган профессорлар ва фан докторлари иштирок эта олиши мумкин.

Ҳужжатлар **1990 йил 1 июнгача** қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700078, Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 6-уй. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, кадрлар ва малака ошириш бошқармаси.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 39-16-89, 39-17-23.

СССР НАРХЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОМОНИДАН

1989 йил 24 ноябрда тасдиқланган 872-қарорига кўра СССР Нархлар давлат комитети 09-01-198 34 қўшимча прейскурантини ЖОРИЙ ЭТДИ

5. 4.-БАНДИДАН КЎЧИРМА.

Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли электр энергиянинг 1 киловатт соатига 1 тийин тўлайди.

Бу тариф қишлоқда жойлашган дала ҳовли посёлкалари, дала ҳовли-қурилиш кооперативлари, боғдорчилик ширкатларига тааллуқли эмас. Қишлоқ жойларига маъмурий территориал бўлиниш бўйича белгиланган, қишлоқ Советлари тасарруфидаги территориялар киради.

Белгиланган тартибда маъмурий-территориал бўлиниш ўзгарган тақдирда тегишли территориал бирлик учун белгиланган тарифлар қўлланилади.

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да **Шайтон муридлари**, 12/V да **Табассум оқшоми.**

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг жумҳурият телевидениеси жамоаси болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар Бош редакциясининг режиссёри Ғ. Шокировга отаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Ғофир ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1946 йилдан буён КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР ва Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими аълочиси, кекса педагог

Маҳмуд ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси институт катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди М. А. Бадаловга отаси

Анбар БАДАЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг Қурилиш иқтисоди ва уни ташкил қилиш илмий-тадқиқот институти жамоаси институт илмий котиби В. О. Козимовга укаси

Валижон Охунович КОЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурият матлубот уюшмаси жамоаси бошқарув ҳайъати аъзоси, жумҳурият улгуржи-савдо базасининг катта товаршуноси А. Азимовга онаси

Уктам Маҳмудовна МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р.—10072. № 108. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12